



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



*ИНСОН
ҚАДРИ
УЧУН!*

ИНСОН АЗИЗ ВА МУКАРРАМ!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2023 йилнинг 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Унга биноан 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси тасдиқланди. “Инсон қадри учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш Стратегия доирасида одил судловни таъминлашнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Инсон азиз ва муқаррамдир. Мўтабар китобларда инсоннинг қайси неъматлар туфайли муқаррам экани тўғрисида кўп мисоллар келтирилган. Баъзи муфассирлар инсонга ато этилган неъматларни иккига тақсим қилишган. Биринчиси, сиҳат-саломатлик, тинч-фаровон турмуш каби жисмоний неъматлардир. Иккинчиси, маънавий неъматлар бўлиб, унга ҳалоллик, адолатли бўлиш, поклик, ахлоқ, инсофу тавфиқ сингари ижобий сифатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Одамзотга берилган беҳисоб неъматларни қадрига етиб, фақат хайрли ва фойдали ишларга сарф этиш албатта гўзал амалдир. Лекин, ўзидаги бу улуғ инъомларни азиз кўрмаслик, ундан тўғри фойдаланмаслик хунук иш бўладиган бўлса, ўзгаларнинг кадр-қимматини топташ, инсонийлик қадрини, ҳуқуқларини поймол қилиш асл хислатимизга ниҳоятда тескари келади. Ва бу иллатлар жамиятда кенг илдиз ёйса давлатчилик тизимимизга, унда қилинаётган ислохотларга путур етказди. Боиси яхшиликлар, хайрли ишлар бардавом бўлиб, инсон қадри, ҳуқуқи улуғланган юрт доимо тараққий этади. Халқи ҳамжиҳатликда, меҳр-мурувватда умргузаронлик қилади. Шу сабабли ҳам халқ манфаати ва инсон кадр-қимматини самарали ҳимоя қилиш Стратегия доирасида одил судловни таъминлашнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Мавзуга оддийроқ ёндашадиган бўлсак, ҳуқуқлари бузилган инсон судга муаммоси шу ерда ҳал бўлишига ишониб, катта умидлар билан келади. Агар бу ерда ҳам ойлар, йиллар давомида иши ҳал бўлмай у суддан бу судга сарсон бўлиб юридиган бўлса, охири тақдирга тан бериб, кўнгли ўксик ҳолда, жамиятдан, суддан аламзадалик кайфиятида ортига қайтиб йиллар давомида атрофидаги кўплаб яқинларига суд-ҳуқуқ тизимини қоралаб юриши эҳтимоли йўқ эмас.

Мана шундай ҳолларда судьяларимизнинг мамлакатимиз тақдирида қанчалик муҳим ўрин тутишини билишимиз мумкин. Юқорида айтганимиздек, улар ўзларининг ҳукмлари орқали тўғри ишлаб келаётган одамни умуман эгри йўлга киритиб юборишлари ёки давлатимиздан, ундаги сиёсатдан, ислохотлардан норози бўлиб яшашига олиб келишлари ҳам мумкин экан. Чунки, инсон табиатан маъсум, ёмонликлардан йироқ, фақат уни нопок инсонлар бузади.

Ва аксинча, судьяларимиз адолатли қарорлари билан айбсиз инсонни ҳимоя қилиши натижасида уни кейинчалик неча ўн йиллар давомида ўз вазифасида сидқидилдан хизмат қилиб атрофидаги инсонларга, давлатга фойда келтириб яшашига сабабчи бўлишлари ҳам мумкин.

Хулосамиз шуки, судьяларимиз руҳий-маънавий олами бой бўлиб ўзининг ўзгаларнинг қадрини тушуна, ҳурмат қилса, ҳар бир инсон жамиятимиз учун кераклигини англаб одил қарорлар чиқарса, уларнинг ҳам жамиятимизнинг ҳам фаровонлиги ортади. Юртимизда доимо тенглик, ҳалоллик ҳукм суради.

Шаҳриддин ЭШИМОВ,
Қарши шаҳар суди судьяси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган Стратегия замонавий суд тизимини яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Хусусан, Стратегияда судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш вазифаси белгиланган.

Хорижий мамлакатлар суд амалиёти таҳлил этиладиган бўлса, уларнинг умумюрисдикция судларида, жумладан, фуқаролик судларида иш ҳажми сезиларли даражада камайиб, ишларни кўришда юқори самарадорликка эришилмоқда. Шу билан бирга, судларда сунъий интеллектдан кенг фойдаланилапти, ҳаттоки, айрим давлатларда судлар янги “Smart court” шаклига келтирилмоқда.

Маълумот учун келтириб ўтсак, Хитойда биринчи “интернет-суд” 2017 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Мазкур суд қабулхонада суд фойдаланувчилари учун онлайн юридик ёрдамни таклиф қиладиган статик роботга, махсус виртуал суд залларига, мустақил овозни фарқловчи “speaker”га ҳужжатларни электрон шаклда топшириш имкониятига эга. Шунингдек, суд электрон тижорат, домен номи билан боғлиқ ҳамда онлайн кредитлар ва муаллифлик ҳуқуқи масалалари юзасидан низоларни виртуал тарзда ечимини топади.

Ханчжоудаги мазкур суд 2017 йилнинг бошидаёқ анъанавий суд мажлислари вақтининг қарийб ярмида 10 000 дан ортиқ низоларни кўриб чиққан.

Фуқаролик судларида сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш, онлайн суд жараёнларини ташкил қилиш билан нафақат иш ҳажмининг камайишига, балки фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликларининг олди олинишига эришилади.

Шунингдек, баъзи мамлакатларда судларнинг оғирини енгил қилиш, ечимга эришилиши қийин бўлган масалалар бўйича ёрдам олиш имкониятини назарда тутувчи “amicus curiae” институти амалиётга киритилган.

Мазкур институт ҳақида қисқача тўхталсак: “Amicus curiae” лотинча “суднинг дўсти” деган маънони билдиради. Кўриб чиқилаётган даъво натижаларидан манфаатдор бўлмаган, даъво тарафларидан бирини қўллаб-қувватловчи ёки унга қарши баҳс юритувчи ёки маълумот тақдим этувчи тараф бўлмаган шахс иш учун аҳамиятли маълумотларни судга етказиш орқали судга ёрдам беради. “Суднинг дўсти” судга тақдим этадиган маълумотлар икки хил фактик ва қонуний бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда “amicus curiae” суд эътиборини томонлар тақдим этмаган далиллар ёки маълумотларга, масалан, маъ-

лум бир суд қарорининг айрим учинчи шахслар манфаатларига таъсирига қаратишга ҳаракат қилади.

Фармонда таъкидланганидек, судга қадар ва суд жараёнида юқоридаги ва бошқа кўплаб замонавий ёндашувларни қўллаш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш фуқаролик судларида иш юкламасининг камайишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, фармоннинг ижроси доирасида куйидаги ишларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилса белгиланган вазифаларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қиларди:

– фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш учун электрон шаклда мурожаат қилиш имкониятини яратиш;

– суриштирув, тергов органлари, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўришга ваколатли органлар ҳамда судларда электрон иш юритиш имконини берувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий этиш;

– суд ишларини юритиш жараёнида прокуратура, суриштирув, судлар ва жазони ижро этувчи органлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида электрон тизимларни интеграциялаш ҳамда ахборот алмашиш;

– жиноят, иқтисодий, фуқаролик, маъмурий ишларни кўришда процессуал ҳужжатларнинг ягона электрон шаклларини йўлга қўйиш;

– давлат органлари фаолиятини рақамлаштиришининг ягона давлат стандартлари, жумладан, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш нормаларини тайёрлаш;

– суд мажлисларининг аудиоёзувларини таниб олишининг электрон тизимини, шунингдек, суд мажлисларининг видеоёзувларини юритиш механизмларини шакллантириш.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, фармон ижроси судларда иш юкламасини камайитиришга ҳамда фуқароларимизнинг одил судловга эришишдаги муаммоларини, оворагарчиликларини бартараф этиш йўлида хизмат қилади.

Зафар БОБОНОВ,

жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди раиси.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 24.02.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 12. Адади 2 300.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“НАКИМА NASHR GROUP” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 057,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

Ифтихор кўчаси, 117-уй

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****6**

**МУСТАҚИЛЛИК ВА ДАХЛСИЗЛИК
САРИ ЯНА БИР ОДИМ**

7

**СУД ВА СУДЬЯГА ИШОНЧ –
ОДИЛ СУДЛОВ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ**

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**8**

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НИКОҲНИ БЕКОР
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

10**МУШОҲАДА**

**СУД ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

ХОРИЖ ТАҲРИБАСИ**12**

**МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТАРАФЛАР
ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН
ҲОЛАТЛАРДА БЕКОР ҚИЛИШ**

15**ЖАРАЁН**

**ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА
ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ**

БОЛА ВА ҲУҚУҚ**18**

**БОЛАНИНГ ХУСУСИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ҲОЛАТИНИ АНИҚЛАШ МУАММОЛАРИ**

21**МУЛОҲАЗА**

**УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

СУДЬЯ МИНБАРИ**24**

**ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ
ЖАВОБГАРЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ**

ИБРАТ

27

ҲАРОМДАН ТИЙИЛ,
САЛОМАТ БЎЛАСАН!

28

ТАДҚИҚОТ

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИШНИ
РАД ЭТИШДА ШАХС ҲУҚУҚ,
ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ

32

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШГА
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

35

АЙБЛОВ ҲУҚМИ:
ТАРКИБ ВА ТАЛАБ

38

СУРРОГАТ ОНАЛИК
ШАРТНОМАСИДА
ГЕНЕТИК ОТА-ОНАНИНГ
ЖАВОБГАРЛИГИ

40

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

42

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА
КИРИШ ЮЗАСИДАН ЖАҲОН
ТАЖРИБАСИ

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ

44

“НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА
ИНСТИТУТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ...

47

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

ВОПРОСЫ РЕАЛИЗАЦИИ
ПРАВА УЧАСТНИКА
ОБЩЕСТВА С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
НА УЧАСТИЕ В РАСПРЕДЕЛЕНИИ
ПРИБЫЛИ

ВАЖНАЯ ТЕМА

50

О НЕКОТОРЫХ ВОПРОСАХ
ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ТАМОЖЕННЫХ
ОРГАНАХ

54

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ ОСНОВЫ
ВЫПЛАТ, ПРИЧИТАЮЩИЕСЯ
СОВМЕСТИТЕЛЯМ

40

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

42

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА
КИРИШ ЮЗАСИДАН ЖАҲОН
ТАЖРИБАСИ

НОВЫЙ ЭТАП

58

ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ БОРЬБЫ
С ФИШИНГОВЫМИ АТАКАМИ
В ИНФОРМАЦИОННОМ
ПРОСТРАНСТВЕ

63

CIVIL SOCIETY

SUMMARY PROCEEDINGS IN
ECONOMIC PROCEDURE

МУСТАҚИЛЛИК ВА ДАХЛСИЗЛИК САРИ ЯНА БИР ОДИМ

Судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашуш ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмлар ишлаб чиқилади.

Ушбу вазифа Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ тасдиқланган 2023-2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегиясида асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Юқоридаги вазифани амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилади ва жинойт жавобгарлик белгиланади. Хорижий амалиётга эътибор қаратсак, бундай нормалар Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия ва бошқа давлатлар қонунчилигида мавжуд.

Сир эмаски, судга босим ўтказилаётгани, судьянинг дахлсизлигига таҳдид қилингани, судьянинг ишига аралашушга ҳаракат қилингани ҳақида хабарлар кенг муҳокама қилинса-да, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ҳолати бўйича юритилган жинойт ишлари ҳақида кенг жамоатчилик етарли даражада хабардор қилинмайди.

Энди эса одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жинойт иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартиби-

нинг жорий этилиши судларнинг дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Судьяларнинг дахлсизлиги ва мустақиллигига салбий таъсир ўтказадиган сабабларни шартли равишда ташқи ва ички омилларга ажратишимиз мумкин. Судьялар дахлсизлиги ва мустақиллигига таъсир кўрсатадиган ички омилларни бартараф қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинаётган бўлса-да бу жиҳатни мукамал якунига етказишда судьяларимизнинг ўзлари рағбат кўрсатишлари муҳим ўрин тутди.

Жумладан, судьяларнинг дахлсизлиги ва мустақиллигига салбий таъсир ўтказадиган ички омиллар – судьяларнинг билим ва кўникмаси, ақл-тафаккури ва маънавиятидир. Чунки, етук илм ва маърифат нафақат инсон камолоти шаклланишида, балки ижтимоий муносабатларда ҳам ўрни бекиёс. Мисол учун илм аҳамияти иш ва суҳбат жараёнидаги муносабатларда намоён бўлади. Шундай экан, илм ва маърифат етарли бўлмаган судьялар суд ишларини кўраётган вақтларида гувоҳлар, жабрланувчилар ва адвокатлар билан суҳбатда, сўроқда хатоликларга йўл қўйсалар бу уларнинг иш фаолиятида маънавий қарамликка олиб келади. Маърифатсизлик инсоннинг тўғри ва нотўғрини ажратишдан, ишга сидқидиллик билан ёндашишдан ва шу сингари бир қатор ижобий хислатлардан маҳрум қилади. Бу каби иллатлардан йироқ бўлиш ва маънавий камолотга етиб одил ҳукмлар чиқариш учун мунтазам равишда маънавий-маърифий, руҳий тарбияга оид китоблар мутоаласини қанда қилмаслигимиз зарур.

Мухтасар қилиб айтганда, фармонда белгиланган ислохотларнинг амалиётга татбиқ этилиши судлов ишини самарали олиб бориш, фуқароларимизнинг одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга замин яратади.

Абдулла МУХИДДИНОВ,
жинойт ишлари бўйича
Юнусобод туман суди судьяси.



СУД ВА СУДЬЯГА ИШОНЧ – ОДИЛ СУДЛОВ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Давлатимиз раҳбарининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан тасдиқланган 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси доирасида одил судловни таъминлашнинг устивор вазифаларидан бири қуйидагича белгиланди:

адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш.

Янги Ўзбекистонда суд тизимида мунтазам равишда ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси билан бошланган ўзгаришлар юқоридаги фармонга мувофиқ тасдиқланган Стратегия доирасида ҳам давом этмоқда.

Бироқ, уларнинг натижадорлиги қай даражада бўляпти, суд тизимининг адолат кўрғони бўлишига нималар ҳалақит бераёпти, қандай муаммолар бартараф этилмаёпти, деган ҳақли савол тугилиши мумкин.

Замонга хос равишда бугун аҳолимизнинг аксарияти ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланишади. Ва бу ерда фуқароларимиз томонидан адолатсизликлар юзасидан шикоятлар йўқ деб бўлмайди.

Масалан, қўлланилаётган жазо чораларининг адолатли эмаслиги ҳақида ижтимоий тармоқларда кўплаб мурожаатларни ўқиямиз. Албатта, суд қароридан қайси бир тараф барибир норози бўлиши табиий. Бироқ, бир хил ҳуқуқбузарликларга турлича ёндашув ёки суд иши тартибларининг бузилиши каби ҳолатлар бундай норозиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган фармонда бу каби англашилмовчиликларни бартараф этиш учун алоҳида банд ажратилган. Энди одил судловни амалга оширишдаги энг асосий омил бўлган юксак малакали, ҳалол ва пок виждонли суд ходимлари жамоасини шакллантириш, судларда ишларни кўриш сифатини янада ошириш бўйича тегишли вазифалар белгиланди. Шунингдек, судлар қонундан огишмай иш тутишлари, фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза этиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб ва шу асосда халқнинг ишончини қозонишлари йўлида суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бугунгиданда такомиллашади.

Ушбу ҳуқуқий асослар, ўз навбатида, холисликни, суднинг адолатли бўлишини ва унинг ҳимоя доираси кенгайтирилиши таъминлайди.

Тизимли ислохотларнинг халқимиз манфаатига бўлган фойдаларидан бири ҳисобланган иқтисодий жаҳати ҳақида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, судга энг кўп мурожаат қиладиган томонлардан бири бу тадбиркорлардир. Уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилинишга қаратилган ишлар натижасида суд тизимига ишонч йилдан-йилга ортди ва бу иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2016-2022 йиллар оралигида корхоналар сони 2 бараварга ошиб, 530 мингга етган. Юртимиз иқтисодиётига 39 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция кириб келган. Бугунги кунда 15 мингдан ортиқ хорижий ва қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Жумладан, 2022 йил маълумотларига кўра, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари таркибида масъулияти чекланган жамиятлар 54,2 фоизни, фермер хўжаликлари 18,1 фоизни, хусусий корхоналар 15,3 фоизни, оилавий корхоналар 9,4 фоизни, деҳқон хўжаликлари 1,9 фоизни, бошқа шаклдаги субъектлар улуши 1,1 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, 2022-йил якунлари бўйича ҳар 1000 кишига тўғри келадиган тадбиркорлар сони ўртача 15 нафарни ташкил этади. Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 36,8, Навоий вилоятида 21,9, Сирдарёда 18,1, Сурхондарё вилоятида 10,3, Қашқадарёда 10,6 ҳамда Наманган вилоятида 11,4 нафарни ташкил этган.

2022 йил якунига келиб, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 54,9 фоизга, қурилишда 72,4 фоизга ва бандлик соҳасида 74,4 фоизга етди.

Бу статистик маълумотлардан билиш мумкинки, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотлар самарасини бермоқда.

Анвар ИБРАГИМОВ,
Тошкент шаҳар судининг судьяси.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада фуқаролик судлари томонидан қўрилган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар турли жиҳатлар бўйича таҳлил қилиниб, аниқланган миқдорий кўрсаткичлар асосида муайян хулосалар қилинган. Ўрганилган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича тегишли таклифлар берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик судлари, никоҳдан ажратиш, миқдорий кўрсаткичлар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасига асосан судлар томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар кўрилатганда эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 380-сонли қарори 2-илоvasида келтирилган “Фуқаролар йиғинининг комиссиялари тўғрисида”ги намунавий низомнинг 4-банди 6-хатбошисида “суд томонидан никоҳдан ажрашишга ариза билан мурожаат қилган эр-хотинларни яраштириш учун тегишли чоралар кўриш бўйича хабар олингандан сўнг ярашиш учун белгиланган муддат тугашидан 10 кун аввал уларни яраштириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида судни хабардор қилиш” назарда тутилган.

Ўрганиш давомида аниқланган, 256 та (48.58%) ишда яраштириш комиссияларининг хулосалари тақдим қилинмаганлиги, ушбу меъёрларнинг амалиётда тадбиқ қилинмаётганлигидан далолат беради.

Суднинг ҳал қилув қарорида яраштириш комиссиялари томонидан судга хулоса тақдим қилинган қилинмаганлиги тўғрисида маълумот келтирилмаган 68 та (12.90%) ишнинг барчаси бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво ариза судга илк марта киритилган ва 67 таси (98.52%) бўйича даъво аризани қаноатлантириш рад қилинган. Қаноатлантирилган ягона ишда эса жавобгар Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган ва 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Иш маълумотларига кўра жавобгар (аёл киши) даъвогарнинг онасини ўлдирганликда айбли деб топилган ва шу сабабли суд томонидан даъво ариза илк мурожаатдаёқ, яраштириш комиссиясининг хулосаси олинмасдан, қаноатлантирилган.

Ўрганилган ишларнинг 203 тасида (38.52%) яраштириш комиссиялари томонидан судга хулоса тақдим қилинган. Шулардан, 91.13% (185 та) иш

бўйича, суд аризани қаноатлантириш тўғрисида ва 18 та (8.86%) иш бўйича аризани қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда, оилани сақлаб қолиш имконияти йўқлигини аниқлаш ваколоти тўлалигича судлар зиммасига юкланган. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ҳам судлар қайси ҳолат ёки вазиятларда, “оилани сақлаб қолиш имконияти йўқ” деб ҳисоблашларини аниқлашдир. Тадқиқот доирасида ўрганилган суд ишларида бундай ҳолат ёки вазиятлардан бир нечтаси аниқланган бўлса-да, уларнинг барчасида ҳам суд ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилмаган.

Бундай мавҳумлик, ноаниқлик тарафларнинг ҳақли эътирозларига ва судларга бўлган ишончнинг пасайишига олиб келади. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш учун “оилани сақлаб қолиш имконияти йўқ” лигига ишора қилувчи сабаблар рўйхатини шакллантириш ва бундай сабаблар мавжуд бўлганда ишларни кўриш жараёнида тарафларга ярашиш учун муддат тайинламаслик (ёки ярашиш учун муддатни 6 ойдан 3 ойгача камайтириш) қондасини жорий қилиш керак.

Хорижий давлатларда никоҳдан ажратишни сўраш асосларига кўра “айбли” (fault divorce) ва “айбсиз” (no-fault divorce) турларига бўлинади.

“Айбсиз” никоҳдан ажрашишда судга мурожаат қилувчи эр ёки хотин (даъвогар) ўзининг аризасида иккинчи тарафнинг бирор бир айби мавжудлигини кўрсатмайди. Бундай никоҳдан ажрашишда даъвогарлар одатда “муросалари келишмаганлиги” ёки “оилани сақлаб қолиш имконияти йўқлиги”ни асос сифатида келтирадilar. Бу каби ишларда жавобгарлар никоҳдан ажрашишга рози эмасликларини, эътирозларини билдиришлари мумкин, шунинг ўзи ҳам суд учун тарафларнинг муроасага келишмаганлигини тасдиқловчи ҳолат сифатида баҳоланади.

“Айбли” никоҳдан ажрашиш кенг тарқалмаган бўлса-да, бунда судга мурожаат қилувчи эр ёки хотин (даъвогар) ўзининг аризасида иккинчи тарафнинг бирор бир айби мавжудлигини кўрсатади. “Айбли” никоҳдан ажрашишда даъвогарлар одатда қўйидаги асосларни кўрсатадилар:

- Эр-хотиндан бирининг хиёнат қилиши (бошқа оила билан яшаши);
- муайян вақт давомида эр-хотинлик муносабатлари мавжуд эмаслиги;
- жавобгарнинг озодликдан маҳрум қилиниши;
- жавобгар даъвогарга нисбатан жисмоний ёки психологик зўравонлик қилганлиги в.б.

“Айбли” ва “айбсиз” никоҳдан ажрашиш ўртасидаги асосий фарқ шундаки, никоҳдан ажрашиш тўғрисида ариза беришда тарафлар муайян вақт давомида алоҳида яшаган бўлишлари ва буни тасдиқловчи далил ва исботлар келтиришлари талаб қилинмайди.

АҚШнинг барча штатларида “муросалари келишмаганлиги” ёки “оилани сақлаб қолиш имконияти йўқлиги” каби асосларга кўра “айбсиз” ажрашишга йўл қўйилади. Баъзи штатларнинг қонунчилигида “айбсиз” ажрашишдан олдин эр-хотин муайян муддат алоҳида яшаган бўлиши керак деган қоида мавжуд. Миссисипи, Жанубий Дакота ва Тенниси штатлари айбсиз ажралиш учун ўзаро

розиликни талаб қиладиган штатлардир. Қолган штатлар бир томонлама айбсиз ажралишга рухсат беради.

Бундан ташқари, никоҳдан “айбли” ажрашиш тан олинмаган АҚШнинг баъзи штатларида эр-хотиндан бирининг “айби” исботланса, уларнинг биргаликдаги умумий мол-мулкани бўлишда, “айбсиз” эр ёки хотинга кўпроқ улуш тақсимланиши мумкин. Айрим штатларда эса айбдор эр ёки хотинга, “айбсиз” турмуш ўртоғининг таъминоти учун алимент тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда хорижий давлатлар қонунчиликларида “айбли” ва “айбсиз” никоҳдан ажрашиш ҳолатлари акс эттирилган:

Давлатлар	Никоҳдан	Иккала томоннинг розилиги билан никоҳдан “айбсиз” ажрашиш	Эр-хотиндан бирининг розилигисиз никоҳдан “айбсиз” ажрашиш
Франция	“айбли” ажрашиш	Мавжуд	Мавжуд, тарафлар 1 йил давомида биргаликда яшамаган бўлишлари талаб қилинади
Германия	Мавжуд	Мавжуд, тарафлар 1 йил давомида биргаликда яшамаган бўлишлари талаб қилинади	Мавжуд, тарафлар 3 йил давомида биргаликда яшамаган бўлишлари талаб қилинади
Туркия	Мавжуд эмас	Мавжуд	Суд томонидан амалга оширилади
Россия	Мавжуд	Бир ойлик кутиш муддати	3 ойгача ажрашиш учун муҳлат (РФ Оила кодекси, 22 модда)
Жанубий Корея	Мавжуд эмас	Мавжуд	Мавжуд эмас
Сингапур	Мавжуд	Мавжуд, тарафлар 3 йил давомида биргаликда яшамаган бўлишлари талаб қилинади	Мавжуд, тарафлар 4 йил давомида биргаликда яшамаган бўлишлари талаб қилинади

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришдаги мавҳумлик ва ноаниқлик мазкур тоифадаги ишларнинг судда кўрилиши қанчалик асосли эканлиги тўғрисида саволларни келтириб чиқаради.

Амалдаги қонунчиликнинг мазмунига кўра, бундай ишларнинг судда кўрилиши, вояга етмаган болаларнинг тарбияланиш ҳуқуқи, уларнинг таъминоти ҳамда эр-хотиннинг умумий мол-мулкани бўлиш каби масалаларни ҳам ҳал қилиниши билан асосланган. Афсуски, тадқиқот давомида ўрганилган ҳал қилув қарорларининг бирортасида бу масалалар бўйича тарафлар келишувга эришган ёки эришмаганлиги аниқланмаган.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда вояга етмаган болаларнинг тарбияланиш ҳуқуқи, уларнинг таъминоти ҳамда эр-хотиннинг умумий мол-мулкани бўлиш каби масалалар кўрилмаслиги бундай тоифадаги ишлар сонининг ошишига ва суд иш юкласининг кўпайишига олиб келади. Хорижий давлатлар тажрибасида бундай масалалар бўйича келишувга эришишда медиаторларнинг ва медиация жараёнининг ўрни катта.

Баъзи давлатларда “суд тайинлайдиган медиация” (court referred mediation) ҳам мавжуд бўлиб, бунда суд тарафларга медиация жараёнидан ўтишни буюриши мумкин. Қоидага кўра, бундай вазиятда медиатив келишув суд қарорининг ажралмас қисми бў-

либ ҳисобланади. Шунингдек, суд буюрган медиация жараёнида иштирок этмаслик турли хил жарималар тайинланишига олиб келиши мумкин. Баъзи давлатларда “суд тайинлайдиган медиация” тарафлар учун мутлақо бепул, айримларида анча арзонлаштирилган бўлади.

Хуллас, никоҳдан ажратиш натижасида вужудга келадиган вояга етмаган болаларнинг тарбияланиш ҳуқуқи, уларнинг таъминоти ҳамда эр-хотиннинг умумий мол-мулкани бўлиш каби масалаларни медиация ёрдамида келишишни Ўзбекистонда ҳам кенг оммалаштириш керак.

Азамат САЛАЕВ,

БМТ Тараққиёт дастури лойиҳа раҳбари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Франция https://crei.cat/wpcontent/uploads/opuscles/15070910-2822_ENG_ang_40.pdf
2. Германия - <https://www.iamexpat.de/expat-info/family-kids/divorce-separation-germany>
3. Туркия - <https://www.akkaslaw.com/how-to-get-divorced-in-turkey/>
4. Россия - Россия Федерациясининг Оила кодекси, 22-23 моддалар.
5. Жанубий Корея - <https://www.international-divorce.com/d-korea.htm>.
6. Сингапур - <https://singaporelegaladvice.com/law-articles/what-are-the-grounds-for-getting-a-divorce/>



**Шавкат
ҲАҚНОЗАРОВ,**
Судьялар олий мак-
табининг Касбий
кўникмалар кафедр-
раси мудири

СУД ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

**БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонда-
ги резолюцияси билан тасдиқланган, Суд органлари мустақилли-
гининг асосий принциплари судьяларнинг мақоми, шу жумладан
уларнинг ваколат муддати, мустақиллик, хавфсизлик, иш ҳақи,
хизмат кўрсатиш шартлари, нафақа ва нафақа ёши бўйича маса-
лаларни тартибга солади.**

Маълумки, “принцип” (тамоийил) тушунчаси — бош гоё, асосий қоида маъноларини англатади, шу билан бирга у «қонуният», «моҳият» каби тушунчалар билан узвий боғлиқдир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари сифатида:

- суд органларининг мустақиллиги;
- сўз ва уюшмалар эркинлиги;
- малака ва танлов эркинлиги;
- лавозим шартлари ва ваколат муддатлари;
- касбий сир ва дахлсизлик ҳуқуқи;
- жазолаш, лавозимдан четлатиш ва бўша-
тиш каби тушунчалар англашилади.

СУД ОРГАНЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАМОЙИЛИ

Мустақил ва бетараф судларнинг мавжудлиги инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуққа тўла мос равишда инсон ҳуқуқларини кафолатловчи суд тизимининг марказий нуқтасида туради. Конституция, қонунлар ва давлатнинг умумий йўналиши адолатли судловнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқларидан тўлиқ мустақиллигини таъминлайди.

“Мустақиллик” бирон бир суд тизими, унинг таркибидаги судьялар ҳам давлат ҳокимиятининг бошқа тармоғига қарам бўлмаслигини талаб этади.

Умумий маънода “мустақиллик” муайян судья ёки суднинг қонунни далилларга нисбатан қўллашда автономлигини англатади.

Суд органлари суд хусусиятига нисбатан барча масалалар бўйича ваколатларга эгадирлар ва уларга топширилган иш қонун билан белгиланган ўз ваколатига кириши ҳақида узил-кесил қарор чиқариш ҳуқуқи берилган.

Ҳар бир инсон ишнинг белгиланган юридик чоралар қўлланиладиган оддий судлар ёки трибуналларда суд тартибида кўрилиши ҳуқуқига эга. Оддий судлар ёки суд органларининг ваколатларини алмаштириш мақсадида белгилаб берилган юридик чоралардан талаб даражасида фойдаланмайдиган трибуналлар тuzилмаслиги керак.

Суд органларининг мустақиллиги тамойили уларга қатор ҳуқуқлар беради ва улардан судлов ишини

адолатли олиб боришни ва томонлар ҳуқуқлари тенглигига риоя қилинишини талаб этади.

Ҳар бир аъзо давлат суд органларига талаб даражасида ўз вазифаларини бажаришларига имкон берувчи тегишли воситаларни таъминлаб беришга мажбур.

СЎЗ ВА УЮШМАЛАР ЭРКИНЛИГИ ТАМОЙИЛИ

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига мувофиқ, бошқа фуқаролар каби суд органлари аъзолари ҳам сўз, диний эътиқод, уюшиш ва аъзо бўлиш эркинликларидан фойдаланадилар, бироқ мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш давомида судьялардан ўз лавозимларига бўлган ҳурматни таъминлаш ва суд органларининг дахлсизлиги ҳамда мустақиллигини сақлаб қолиш талаб этилади.

Судьялар судьялар уюшмасини ёки бошқа ташкилотларни тузиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий малакасини такомиллаштириш ва дахлсизлигини сақлаб қолиш мақсадларида уларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

МАЛАКА, ТАНЛОВ ВА ТАЙЁРГАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Судьялик лавозимига танлаб олинган шахслар юқори ахлоқий сифатлар ва қобилиятларга ҳамда ҳуқуқ соҳасида тегишли тайёргарлик ва билимларга эга бўлишлари керак.

Судьяларни танлаб олишнинг ҳар қандай усули ғайриқонуний далиллар бўйича судьяларни тайинлашдан ҳимояни кафолатлаши лозим.

Судьяларни танлаб олишда мазкур шахс ирқи, ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий, табақавий ёки бошқа ҳолатларига боғлиқ равишда камситилмаслиги керак, бироқ юридик лавозимга номзод тегишли давлат фуқароси бўлиши зарурлиги ҳақидаги талабга камситилиш сифатида қаралмаслиги лозим.

ЛАВОЗИМ ШАРТЛАРИ ВА ВАКОЛАТ МУДДАТЛАРИ ТАМОЙИЛИ

Судьяларнинг ваколат муддатлари, уларнинг дахлсизлиги, хавфсизлиги, муносиб тақдирланишлари, хизмат шартлари, нафақа ва нафақага чиқиш ёши

тегишли тарзда қонун билан белгиланиши ва кафолатланиши зарур.

Танлаб олинган ёки сайланган судьялар мажбурий пенсияга чиққунлари ёки ваколатларнинг белгиланган муддатлари тугагунга қадар кафолатланган ваколатларга эга бўладилар.

Судьяларнинг мансаб погоналаридан кўтарилишларини, агар шундай тизим мавжуд бўлса, объектив омиллар, хусусан, уларнинг қобиляти, ахлоқий сифатлари ва тажрибасига асосланиб амалга ошириш талаб этилади.

Судларда ишларни судьялар орасида тақсимлаш суд маъмуриятининг ички иши ҳисобланади.

КАСБИЙ СИР ВА ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ ТАМОЙИЛИ

Судьялар ишлари бўйича касбга оид сирларни ва ўз мажбуриятларини бажариш мобайнида олинган махфий маълумотларни сир сақлашлари керак, фақат бундан очиқ судда кўриладиган ишлар мустасно ҳамда улар бундай масалалар бўйича кўрсатмалар беришга ҳам мажбур қилинмасликлари лозим.

Қайсидир интизомий тартиблар ёки миллий қонунчиликка мувофиқ равишда давлат томонидан апелляция ёки товон ҳуқуқларини бузмаган ишда, судьялар ўз фаолиятларига доир вазифаларини амалга оширишлари чоғида нотўғри ҳаракатлар ёки камчиликларга йўл қўйишлари оқибатида келтирилган молиявий зарар учун фуқаролик даъволарига нисбатан шахсий дахлсизликдан фойдаланишлари лозим.

ЖАЗОЛАШ, ЛАВОЗИМДАН ЧЕТЛАТИШ ВА БЎШАТИШ ТАМОЙИЛИ

Судьянинг хизмат юзасидан судлов ёки касбий мажбуриятларини бажариши давомида унинг устидан тушган айблов ёки шикоят аризаси тегишли чора-тадбирларга мувофиқ, зудлик билан одилона кўриб чиқилиши шарт. Судья жавоб бериш ва ҳаққоний текширув ўтказилиши ҳуқуқига эга. Ҳар бир судьянинг бошқа талаби бўлмаса, дастлабки босқичда шикоят аризасини кўриб чиқиш махфий равишда амалга оширилади.

Судьялар ўз мажбуриятларини бажаришга лаёқатсиз деб топилса ёки эгаллаб турган лавозими-га ахлоқий жиҳатдан зид бўлган ҳаракатларни қилса, лавозимдан вақтинчалик четлаштирилиши ёки бўшатилиши мумкин.

Жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш бўйича барча чоралар судьянинг ваколатларини тўхтатиш ҳамда муддатидан илгари тугатиш асослари ва тартибига мувофиқ белгиланади.

Маъмурий жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш ҳақидаги қарор мустақил текширув предметга эга бўлиши даркор. Мазкур тамойил Олий суд қарорларига ёки қонун чиқарувчи органларнинг ишларни импичмент тартибида кўриш ёки шунга монанд чораларга риоя этиш давомида қа-

бул қилинган қарорларига нисбатан қўлланилмаслиги мумкин.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойили ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилидан келиб чиқади. Ушбу принципга мувофиқ, ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятлари бошқарувнинг учта алоҳида ва мустақил тармоғини ташкил этади. Давлатнинг турли органлари фавқулодда ва фарқли мажбуриятларга эга. Бундай бўлиниш туфайли ҳокимият тармоқларининг биронтасига иккинчи тармоқ ваколатларига аралашувига рухсат берилмайди.

Ҳокимият бўлиниши тамойили мустақил ва холис суд тизимининг тамал тоши ҳисобланади.

Ишнинг адолатли ҳал қилиниши учун у ёки бу ишни кўриб чиқувчи судьянинг ёки суднинг мустақиллиги таъминланиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро ҳужжатлар ишнинг “мустақил ва холис судлар” томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқини кўзда тутати.

Қачонки суд тизими ва судья мустақил бўлсагина инсон ўз ишининг судда адолатли кўрилишига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Суд тизими мустақил бўлмаса ўз вазифаларини мукамал адо эта олмайди. Шу сабабли мустақиллик суд тизими ва судья учун жуда зарурдир.

Амалда, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил бўлган суд тизимининг мавжудлиги адолатли судловни амалга оширишнинг, шунингдек, ҳуқуқ устуворлигининг зарурий шarti саналади.

Ҳар бир давлат судьялар ишларни мустақил ҳал қила олишлари учун зарур механизмларни яратиши талаб этилади. Суд тизимининг мустақиллиги унинг ишига ва қарорлари ижросига аралашмаслик орқали қўллаб-қувватланиши шарт.

Суд ҳокимияти институционал мустақилликка эга бўлиши, судьялар эса суд тизимининг ичида ва унинг бошқа институтларига нисбатан шахсий мустақиллигидан фойдаланиши керак.

БМТ ўз резолюциясида Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойилларини қатъий мустақамлаб барча давлатларга ушбу қоидаларга амал қилишларини кўрсатиб ўтган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТ Бош ассамблеяси 1985 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.10.2016 йилдаги “Суд- ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4850-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4966-сон.
5. Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар. 1-сонли амалий қўлланма. Таржима. Женева 2017 й.



Достонжон МУРОДУЛЛОВ,
Тошкент давлат
юримдик универси-
тети мустақил
изланувчиси

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТАРАФЛАР ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲОЛАТЛАРДА БЕКОР ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Меҳнат кодексини ишлаб чиққан давлат ҳисобланади. У 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган. Айрим МДХ давлатларининг Меҳнат кодекслари бир мунча такомилга етиб ишлаб чиқилган. Шу сабабдан, ушбу мамлакатларнинг меҳнат қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш учун таклифлар бериш мумкин.

Жумладан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 83-моддасида тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари белгиланган. Улар қуйидагилар:

1. Ходимнинг ҳарбий хизматга чақирилиши ёки унинг ўрнини босувчи муқобил фуқаролик хизматига йўлланиши;
2. Шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг давлат меҳнат инспекцияси ёки суд қарори билан ишга тикланиши;
3. Лавозимга тайинланмаслик;
4. Ходимнинг қонуний кучга кирган суд қарори билан ишини давом эттиришига тўсқинлик қилувчи жазога маҳкум қилиниши;
5. Федерал қонунлар ёки Россия Федерациясининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўрнатилган тартибда берилган тиббий ҳулосага асосан ходимнинг тўлиқ меҳнатга лаёқатсиз деб топиллиши;
6. Ходим ёки жисмоний шахс бўлган иш берувчининг вафот этиши, шунингдек, суд томонидан ходим ёки жисмоний шахс бўлган иш берувчининг вафот этган ёки бедарак йўқолган деб топиллиши;
7. Меҳнат муносабатларини давом эттиришига тўсқинлик қилувчи фавқулодда ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, талофатлар, табиий офатлар, катта ҳалокатлар, эпидемия)нинг юзага келиши, агар ушбу ҳолатлар Россия Федерацияси Ҳукумати ёки Россия Федерациясининг бошқа тегишли давлат ҳокимияти органи субъектларининг қарори билан тасдиқланган бўлса, шунингдек, иш берувчи – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг ягона таъсисчиси (иштирокчиси) бўлган, бир вақтнинг ўзида ушбу юридик шахснинг ягона ижро этувчи органи ваколатларига эга бўлган иш берувчининг Россия Федерацияси Президенти томонидан эълон қилинган сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақирилуви (агар бун-

дай иш берувчи ҳарбий сафарбарлик хизмати-ни ўташ даврида бошқа шахсга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва иш берувчи сифатида ўз вазифаларини бажаришга рухсат бермаган бўлса);

8. Ходимга меҳнат шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш имкониятини истисно қиладиган дисквалификация ёки бошқа маъмурий жазо қўлланиши;

9. Федерал қонунлар ёки Россия Федерациясининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан фаолият муддати тугатилиши ёхуд икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатилиши ёки ходимнинг махсус ҳуқуқ (лицензия, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи, қурол олиб юриш ҳуқуқи)дан маҳрум қилиниши (агар бу ходимнинг меҳнат шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш имкониятининг йўқолишига олиб келса);

10. Давлат сирига кириш ҳуқуқининг бекор бўлиши (агар бажарилган иш бундай киришни талаб қилса);

11. Ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги давлат меҳнат инспекциясининг қарори бекор бўлиши (ноқонуний деб топиллиши) ёки суд қарорининг бекор бўлиши.

12. Ушбу кодекс ёки бошқа Федерал қонунда белгиланган тартибда ходимнинг меҳнат шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш имкониятини истисно қиладиган муайян меҳнат фаолияти билан шувулланишининг чекланиши.

Ушбу моддада назарда тутилган 2, 8, 9, 10, 12-асослар билан меҳнат шартномаси ходим соғлигининг имкониятларидан келиб чиқиб бажариши мумкин бўлган ишга унинг ёзма розилиги билан ўтказишнинг имкони бўлмаган тақдирдагина бекор қилинади. Шу сабабли, иш берувчи ходимга ўзида мавжуд бўш иш ўринларини таклиф қилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси Меҳнат кодексидан ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларига кирмайди, ушбу ҳолат алоҳида асос сифатида Россия Федерацияси Меҳнат кодексидан белгиланган.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 84-моддасига кўра, меҳнат шартномаси кодексда ёки бошқа Федерал қонунларда белгиланган қоидаларни бузган ҳолда тузилган бўлса бекор қилинади, агар ушбу қоидаларни бузиш қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олса ишни давом эттириш имкониятини истисно қилади:

- меҳнат шартномаси муайян шахснинг маълум бир лавозимда ишлашини ёки маълум бир фаолият билан шуғулланишини чеклайдиган суд ҳукмини бузиб тузилган бўлса;
- меҳнат шартномаси тиббий хулоса асосида шахснинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишни бажаришини назарда тутиб тузилган бўлса;
- ходимнинг таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг йўқлиги, агар ходим томонидан бажариладиган вазифа учун Федерал қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли мутахассисликни талаб қилса;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришга ваколатли судья, орган, мансабдор шахснинг меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган дисквалификация ёки бошқа маъмурий жазо тўғрисидаги қарорини бузган ҳолда меҳнат шартномасини тузиш;
- ушбу Кодексда ва бошқа Федерал қонунларда белгиланган меҳнат фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун чекловларни бузган ҳолда меҳнат шартномасини тузиш;
- Федерал қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

Шунингдек, ушбу меъёрларга кўра, агар ходимнинг ўзининг ёзма розилиғи билан иш берувчида мавжуд бошқа ишга ўтказишнинг имкони бўлмасагина, меҳнат шартномаси юқорида келтирилган асослар билан бекор қилинади.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексидан ушбу меъёрлар батафсил баён қилинган бўлиб, ходимга кўшимча кафолатлар ҳам белгилаб берганлигини эътироф этиш лозим.

Кўриниб турибдики, ушбу Меҳнат кодексидан белгиланган тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари аниқ ва изчил ўрнатилган. Шунингдек, бунда



ходим учун берилган кафолатлар алоҳида аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, айрим Европа мамлакатларида Россия Федерациясидан фарқли равишда меҳнат шартномасининг бекор бўлишига олиб келадиган фавқулодда ҳолатларнинг юз бериши фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солиниб, мазкур жараёнда ходим ва иш берувчи бир-бирига нисбатан ҳеч қандай мажбуриятга эга бўлмайдилар. Хусусан, Испанияда фавқулодда вазиятлар юзага келадиган бўлса, Меҳнат органининг розилигини олмасдан туриб меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Молдова Республикаси Меҳнат кодексидан “меҳнат шартномаси” ўрнига “якка меҳнат шартномаси” тушунчаси (термини) қўлланганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, Молдова меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш асосларининг ўзгача аҳамиятга эга эканлиги ҳам кўзга ташланади.

Бошқа МДҲ давлатларидан фарқли равишда, ходим ва иш берувчининг вафоти, уларнинг суд томонидан вафот этган ёки бедарак йўқолган деб тан олинishi, суд инстанцияси қарори билан меҳнат шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилиши, меҳнат шартномаси асосида корхонада фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг ваколатли давлат органи томонидан чақириб олинishi, ходимнинг суд инстанцияси қарори асосида корхонада меҳнат қилишини чеклайдиган жиноий жазога тортилиши, муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугаши, меҳнат шартномасида назарда тутилган ишнинг бажариб бўлиниши, мавсумий ишлар учун мавсумнинг тугаши, давлат, маҳаллий корхоналар, шу жумладан давлат маблағи асосида шакллантирилган корхона раҳбарларининг 65 ёшга тўлиши, меҳнат муносабатларини давом эттиришга тўсқинлик қиладиган белгиланган тартибда тасдиқланган форс-мажор ҳолатларининг мавжудлиги, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш асослари ҳисобланади (82-модда).

Ушбу давлатнинг меҳнат қонунчилигида муддатли меҳнат шартномалари, бирор ишни бажариш муддатига тузилган меҳнат шартномалари ва мавсумий ишлар учун тузилган меҳнат шартномаларининг муддати тугаши ҳам тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ҳисобланиши ўзига хосликка эга бўлса-да, ушбу турдаги шартномаларни бундай асосларга киритиш мақбул эмас. Чунки, бу ҳолатда меҳнат шартномасини тузаётганда тарафлар меҳнат шартномасини бекор қилиш вақтини олдиндан келишиб олган бўлишади. Бинобарин, тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилинганда эса тарафларнинг келишуви ҳам, иродаси ҳам ҳеч қандай рол ўйнамайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Молдова Меҳнат кодексига меҳнат шартномасини тузиш қоидаларига риоя қилмаслик сифатида кодексда белгиланган меҳнат шартномасини тузиш шартларига риоя қилмаслик ҳоллари назарда тутилган. Бошқа бирорта МДҲ мамлакатларида ушбу қоида кўзга ташланмайди. Шу сабабли, Молдова давлати меҳнат қонунчилигини ўрганиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришда унинг тажрибасига таяниш мумкин.

Қозоғистон Республикасининг Меҳнат кодексига шу йилга қадар кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2015 йил 23 ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан кучга кирган.

Унинг 57-моддасига кўра қуйидаги ҳолатлар меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлишига асос бўлади:

- маҳаллий ижро органлари томонидан хорижий ишчиларга ишга жойлаштириш учун берилган рухсатноманинг қайтариб олинishi;

- ходим ёки иш берувчи жисмоний шахсни жазога маҳкум қилган суд ҳукмининг кучга кириши, агар бу меҳнат муносабатларини давом эттиришга тўсқинлик қилса;

- ходим ёки иш берувчи жисмоний шахснинг вафот этиши, суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши ёки бедарак йўқолган деб топилishi;

- суд томонидан ходимнинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилishi ва бунинг натижасида меҳнат муносабатларини давом эттириш имконини йўқотиши;

- шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланиши;

- ходимнинг муддатли ҳарбий хизматга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ёки бошқа махсус давлат органлари хизматига ишга кириши (бундай ҳолда бу ҳақда ходимга тегишли ҳужжат берилган кундан эътиборан уч кун ичида меҳнат шартномаси бекор қилиниши керак).

Шунингдек, Қозоғистон Республикасида ҳам меҳнат шартномасини тузиш қоидаларининг бузиб тузилганлиги шартномани бекор қилишнинг алоҳида асоси сифатида кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган. Бунда қандай ҳолатлар шартнома тузиш қоидаларини бузиш ҳисобланишининг ҳам кўрсатилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш – бу учинчи шахсларнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдир.

Ҳуқуқшунос С.Ю.Филчакова эса ўзининг илмий ишида учинчи шахс сифатида давлатни ҳам тушуниш кераклигини таъкидлайди. Бунда давлат ўзининг ваколатли органлари: ҳарбий комиссариат, меҳнат инспекцияси ёки суд орқали иштирок этади.

Бундан ташқари, меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган асослар билан бекор қилиш ҳар доим ҳам учинчи шахсларнинг ташаббуси билан бўлавермайди. Бунда ҳатто давлат органлари ҳам ташаббускор бўлмаслиги мумкин. Масалан, ходимнинг вафот этиши ва унинг вафотини тасдиқловчи гувоҳноманинг мавжудлиги у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи юридик факт ҳисобланиб, бунда ҳеч қандай учинчи тарафнинг ташаббуси ҳам иродаси ҳам роль ўйнамайди.

Чунончи, МДҲ давлатларининг Меҳнат кодексларини ишлаб чиқишда уларнинг иқтисодий моделига эътибор берилган.

Шунингдек, Европа мамлакатлари (Буюк Британия, Германия, Франция, Австрия ва бошқалар)да меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари алоҳида классификация қилинмаганлиги боис меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар билан бекор қилиш асослари аниқ кўрсатиб берилмаганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. Учебник для вузов. М.: Дело, 1999. С. 370-371.
2. Фильчакова С.Ю. Прекращение трудового договора по обстоятельствам, не зависящим от воли сторон. Дисс. канд. юр. наук. - М., 2003. - С. 12.
3. Киселев И.Я. Трудовое право России и зарубежных стран. Учебник. - М.: ЭКСМО, 2005. - С. 353.
4. Л.А.Андреева, К.Н.Гусов, О.М.Медведев. Незаконное увольнение. Научно-практическое пособие. - М.: 2014. - С. 13. //www.juristlib.ru.
5. Stephan Hardly, Mark Butler. European Employment Laws: A comparative guide (3rd edition). Great Britain. Ltd by: Short Run Press, 2016. - P. 113-142.
6. Национальный центр законодательства при Президенте Республики Таджикистан - <http://ncz.tj/legislation>.
7. Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь - <https://pravo.by/>.
8. Национальный правовой Интернет-портал Республики Азербайджан - <https://republic.preslib.az>.
9. Научный центр правовой информации при Министерстве юстиции Российской Федерации - <http://www.sclii.ru>.
10. Официальный сайт Парламент Республики Молдова - <https://www.parlament.md>.
11. Информационно-правовая система нормативных правовых актов Республики Казахстан - <https://adilet.zan.kz>.
12. Муродуллаев Достонжон. "Значение международно-правовых стандартов в области охраны труда." Review of law sciences 4. Спецвыпуск (2020): 82-87.

ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада қийноқларга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати моҳияти ва предмети акс этган.

Калит сўзлар: қийноққа солиш, прокурор назорати, қонунчилик асослари.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье отражено предмет и сущность прокурорского надзора за исполнением законодательства по борьбе с пытками.

Ключевые слова: пытка, прокурорский надзор, правовые основы.

Инсоннинг руҳий ва жисмоний дахлсизлигига тажовузларнинг энг оғирларидан бири шахсга нисбатан қўлланилган қийноқ ҳисобланади. Шу сабабли қийноқларни қўллаганлик учун халқаро ва миллий қонунчиликда жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, қийноққа солиш жинояти учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида белгиланган бўлиб, унда “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш” жиноий жавобгарликка асос бўлиши таъкидланган.

Қонун устуворлигини ҳамда қийноқлардан ҳимоя қилишга оид кафолатларни таъминлаш масаласида прокурор назорати катта аҳамиятга эга. Яъни, ҳуқуқ меъёрларининг ижро этилиши механизмини таъминлашнинг юридик кафолатлари тизимида прокурорлик назорати алоҳида ўрин касб этади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ва қийноққа солиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилганлиги юза-

сидан тергов ҳаракатларини қонуний, холисона ва одиллик билан олиб бориш ва бундай жиноятнинг олдини олиш учун кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу эса прокуратура органларининг бутун диққат эътиборини мазкур жараёнларда қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш орқали фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, шу жумладан, қийноқ билан боғлиқ бўлган жиноят турлари қўлланилишининг олдини олиш ҳамда прокурор назоратини такомиллаштиришни талаб этади.

Назорат предмети сифатида эса жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонунчиликда белгиланган процессуал тартиби, шунингдек жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги ва ижро этилиши эътироф этилади.

Прокурор назоратининг моҳияти ва тушунчаси тўғрисида ҳуқуқшунос олимларнинг турли фикрлари мавжуд. Хусусан, Б.Ҳ.Пўлатов “прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади. Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб келмоқда”, – деб таъкидлаган.

О.М.Мадалиевнинг фикрига кўра “прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолиятидир”.

М.Х.Рустамбаевнинг таъкидлашича “прокурор назорати – давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахс – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айбдор шахсларни



**Барно
КАДИРОВА,**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси таянч докторанти

қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир”.

Ф.Х.Рахимов “Ўзбекистонда прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат фаолиятини амалга оширувчи прокуратура органларининг ўзига хос фаолият туридир. Прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил, алоҳида мақомга эга ўзига хос кўриниши” эканлигини таъкидлаган.

Прокурор назоратининг ўзига хослиги алоҳида фаолият тури эканлиги прокурор назорати тусунчасини умумий қамраб олмайди.

Жумладан, Б.В.Коробейниковнинг фикрича, “Прокурор назорати – давлат фаолиятининг алоҳида мустақил ўзига хос тури бўлиб, уни прокуратура органларидан бошқа бирон бир давлат, жамоат идоралари, ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахслар амалга ошира олмайдилар”. Келтирилган Ф.Х.Рахимов ва Б.В.Коробейниковларнинг фикрларида прокурор назоратининг ўзига хослиги ва прокуратура органлари бошқа давлат органларидан мустақил эканлиги эътироф этилган.

Юқоридаги фикрларнинг давоми сифатида Ю.Е.Винокуров ҳам “Прокурор назорати – бу, биринчидан, мустақил, расмий ва фақат прокуратура органларига хос бўлган қонун устиворлигини таъминлаш соҳасидаги давлат назорати шакли, иккинчидан, давлат фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, у қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларини ўтказиш учун асосларнинг ўзига хос хусусиятларида, уларни амалга ошириш методикасида, шунингдек прокурорлар томонидан прокурор назорати ҳужжатларини қўллашида намоён бўлади”, – деб таъкидлайди.

Фикримизча, прокурор назорати – давлат номидан қонунлар ижроси устидан назорат ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолият тури ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Кейинги пайтларда кўрилган кескин чоралар туфайли маълум бир турдаги жиноятларнинг ўсишини камайтиришга муваффақ бўлинди. Аммо бугунги кунда олдини олиш ва қарши кураш бўйича алоҳида эътибор бериладиган жиноятлардан бири – терговга қадар текширув,

суриштирув, дастлабки терговни олиб боришда ва жазони ижро этиш муассасаларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва бошқа жазо турларини қўллаш билан боғлиқ жиноятлардир.

Зеро, прокурор назорати амалга оширилганда кўпинча шундай ҳуқуқбузарликлар аниқланадики, улар юзасидан нафақат интизомий ёки маъмурий чоралар, балки жиноий жавобгарлик чораларини кўриш тақозо этилади. Кўпинча жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар тўғрисидаги материаллар жиноятларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларга доир маълумотларни ўзида ифода қилади.

Тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг қонунларга амал қилишлари устидан назорат ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарлар ҳамда бошқа маълумотлар асосида қонунда белгиланган тартибда прокурор томонидан амалга оширилади. Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади.

Прокурор назорати – қонун устиворлиги, қонунчиликнинг мустаҳкамланиши, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг, шунингдек, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланишини кафолатлаш мақсадида амалга оширилаётган давлат ҳокимияти фаолиятининг шаклидир.

Фикримизча, қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати дейилганда масъул тезкор-қидирув тадбирлари, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар ҳамда жазони ижро этиш муассасалари мансабдор шахслари, ходимлари томонидан қонунларнинг ижроси, қонун талабларига риоя этилиши, қолаверса, улар қабул қилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги англашилади.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларига оид қонунчилик маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас. Дастлабки терговда, вақтинчалик сақлаш ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда давлат

органларининг маҳбусларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Хусусан, Жазони ижро этиш муассасаларида прокурор назоратини амалга ошириш амалдаги қонунчилик ва Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари асосида белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан ЖК-нинг 235-моддасига объект сифатида маъмурий қамоққа олинган шахс ҳам киритилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўз навбатида, Маъмурий қамоққа олинган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар ёки кадр-қимматини камситувчи муомалада бўлиш жиноятларининг олдини олиш юзасидан прокуратура орган ходимлари маъмурий қамоқни ўташ тўғрисидаги қонунларни мукамал билиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонунида асосий тамойил сифатида маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш белгиланган бўлса, 29-моддасида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш маъмурий қамоққа олинган шахсларга азоб-укубат етказилишига олиб бормаслиги, шунингдек шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи тазйиқлар билан амалга оширилмаслиги лозимлиги, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига жисмоний куч ишлатиш ёки махсус воситаларни қўллаш натижасида зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида дарҳол прокуратурага хабар қилиш каби мажбуриятлар белгиланган. Бунда маъмурий қамоқ муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳам прокурорнинг назорат предмети эканлигини кўришимиз мумкин.

Демак, фикримизча, прокурор назорати предмети деганда муайян соҳадаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш ва текшириш тушунилса, қийноқларга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати дейилганда эса жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва тергов ҳаракатларининг қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилиши, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар

томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунчиликка мослиги, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида, сақлаш жойларида ушлаб турилганларнинг, маъмурий қамоққа олинган шахслар ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тартибга солувчи қонунчиликка риоя этилиши ҳолатини текшириш тушунилади.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда маъмурий қамоққа олинган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар ёки кадр-қимматини камситувчи муомалада бўлинганлик ҳолати юзасидан дарҳол прокуратурага хабар бериш масаласи белгиланган ҳамда Жиноят кодексининг 235-моддасида маъмурий қамоққа олинган шахслар жабрланувчи сифатида келтирилган. Юқоридагиларга асосан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга **“Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати предметида маъмурий қамоқни ўташ чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорат предмети сифатида киритиш”** мақсадга мувофиқ бўлади.

Қийноққа қарши курашга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг моҳиятини қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, қийноқлар қўлланилишининг олдини олиш ва профилактикаси каби омиллар ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>
2. Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебник / под ред. Ю.Е. Винокурова. М.: МНЭПУ Юрайт, 2000. С. 755.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва прокуратура: рисола / Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.:ТЮДУ нашриёти, 2005. –Б. 8-12.
4. Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий тахрири остида. –Т.: “Ношир” нашриёти, 2008. –Б.87-94.
5. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм.–Т.: ТДЮУ нашриёти, 2009. –Б. 9-10. www.ziyouz.com kutubxonasi
6. Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси”, 2017 й. №4(32).–Б. 27-28.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январдаги “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/acts/3093543>
8. Прокурорский надзор: учебник для вузов / А.Ю.Винокуров, Ю.Е.Винокуров; под общ. ред. А.Ю.Винокурова. – 15-е изд., перераб. и доп. – М.: “Издательство Юрайт”, 2020. – С. 18.

БОЛАНИНГ ХУСУСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ АНИҚЛАШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

ҳуқуқий муносабатларнинг энг кам ҳимояланган ва энг заиф субъекти бўлган бола ҳуқуқлари субъектларнинг иродасини эркин ифода этиш ва мулкий мустақиллик билан ажралиб турадиган кўп ўзгарувчан хусусий ҳуқуқ муносабатларининг тобора фаол иштирокчисига айланади. Шу билан бирга, боланинг ҳуқуқий ҳолати унинг динамикаси билан тавсифланади, чунки ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси, жавобгарлик ўлчови, муайян ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари ўзгаради. Бундай ўзгаришлар асосан объектив, кўпинча боланинг иродасидан мустақил, шахсийлаштирилмаган ҳолатлар билан боғлиқ ва тўғри ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилади.

Калит сўзлар: бола, ҳуқуқ, ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, ҳуқуқ субъектчилиги, вояга етганлик, кичик ёшдаги болалар.

Боланинг ҳуқуқий ҳолати оилавий ҳуқуқий муносабатлар контекстида ўрганилади. Бунда боланинг келиб чиқиши, насл-насаби, қариндошлиги ёки асраб олинганлиги, битта оила билан яшаши, умумий ҳаёт тарзи билан боғлиқлиги бўйича иштирокчи ҳисобланади. Қоида тариқасида, бола ўз хоҳиш-иродасидан қатъи назар, оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчисига айланади, бундай муносабатлар иштирокчилари доираси чекланган.

Масалан, бир қатор мутахассисларнинг таъкидлашича, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ субъектчилиги масаласини ҳал қилишда ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг бирлиги болаларнинг ҳуқуқий лаёқатини ота-оналар, васийлар ёки ҳомийларнинг ҳуқуқий лаёқатига қўшиш орқали таъминланади. Қонуннинг бевосита кўрсатмасига биноан муомала лаёқати чекланган, муомалага лаёқатсиз деб топилганлар учун васийлар ва ҳомийлар мажбурий равишда тайинланади ҳамда болаларга нисбатан тегишли функциялар уларнинг ота-оналарига юклатилади. Ота-оналар, васийлар, ҳомийларнинг ҳуқуқ лаёқати нафақат болалар учун ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келишига, балки уларнинг бошқа ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларига нисбатан хусусий ҳуқуқ талабларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади (масалан, ўз мулкига ҳақиқий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқалар).

Н.М.Конончукнинг фикрича, бола туғилган пайтдан бошлаб қоида тариқасида унинг ҳуқуқлари ота-онаси томонидан амалга оширилади ва оила тарбиясида бўлиш ҳуқуқига эга бўлади. Бола, агар жисмоний ва руҳий жиҳатдан лаёқатли бўлса, унинг манфаатларига таъсир қиладиган масалалар бўйича ўз фикрини шакллантириш ҳуқуқига эга. Боланинг оилавий-ҳуқуқий ҳолати – бу оила қонунчилиги нормаларида назарда тутилган боланинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва бурчларининг умумийлигини қамраб оладиган ва боланинг оилавий ҳуқуқ субъектчилигининг мазмунига тўғри келмайдиган мураккаб тоифадир.

З. В. Ромовская таъкидлаганидек, на никоҳни рўйхатдан ўтказиш, на меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган

кишига тўлиқ фуқаролик муомала лаёқатини бериш шахсининг бола мақомини бекор қилмайди.

Хусусий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида шахсининг ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши, уларни амалга ошириши, шунингдек шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олиш қобилияти нафақат маълум бир ёшга етиш билан, балки унинг соғлиги, мулкий ҳолати билан ҳам боғлиқ.

Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги Ўзбекистон Конституциясида шунингдек, Фуқаролик кодексининг 7-моддасида белгиланган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларида “бола” тушунчасининг таърифи эътибор қаратиш лозим. Зеро, бу қоидалар миллий ҳуқуқнинг шаклланишига мафкуравий ва меъёрий таъсир кўрсатган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси томонидан 1992 йил 9 декабрь куни ратификация қилинган “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” бўйича концептуал халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бу – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳисобланади. Ушбу халқаро ҳужжатнинг қабул қилиниши болага нафақат ғамхўрлик қилиш ва уни ҳимоя қилиш, балки ўз тақдири бўйича қарор қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил шахс мақомини аниқлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ушбу Конвенциянинг 1-моддаси “бола” тушунчасини 18 ёшни юқори ёш чегараси сифатида ўрнатиш орқали белгилайди (агар қонунга мувофиқ бола олдинроқ вояга етган деб эътироф этилмаган бўлса). Шу билан бирга, Конвенция қоидалари боланинг эркинликлари ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг бошланишини белгиламагани учун “вояга етиш” тушунчасининг таърифини назарда тутмаганлиги сабабли иштирокчи давлатлар ўз хоҳишларидан келиб чиқиб вояга етиш тушунчасини талқин қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Конвенциянинг 1-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, иштирокчи-давлатлар Конвенция қоидаларини қўллаш ва бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш пайтини аниқлаш (ҳомила ёки туғилган вақтдан бошлаб), шунингдек, 18 ёшга тўлмасдан олдинроқ вояга етган деб ҳисоблаш билан боғлиқ ҳолатларни белгилаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

18 ёш чегараси 1996 йил 19 октябрдаги “Ота-оналарнинг жавобгарлиги ва болаларни ҳимоя қилиш чоралари бўйича юрисдикция, қўлланиладиган ҳуқуқ, тан олиш, бажариш ва ҳам-корлик тўғрисида”ги Конвенция, 1997 йил “Фуқаролик тўғрисида”ги Европа Конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг 1999 йил 17 июндаги 182-сонли “Болалар меҳнатининг ёмон шароитларини зудлик билан тугатиш ва тақиқлаш тўғрисида”ги Конвенцияси ҳамда 1996 йилдаги “Болалар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича Европа Конвенцияси” да ҳам қўлланилган.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор халқаро шартномалар боланинг ҳуқуқий мақомини тугатиш учун энг паст ёш чегарасини белгилайди, чунки катталар мақомини олиш вақти нафақат маълум бир ёшга етиш билан боғлиқ, балки у ёки бу ҳаракатни мустақил бажариш, ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил иштирокчиси бўлиш, шахсий жавобгар бўлиш ҳолатлари билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Яъни, ота-она назоратидан амалда мустақиллик маълум бир ёшга етмасдан олдин, масалан, никоҳ ёки эмансипация орқали олиниши мумкин.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда “бола” тушунчасининг ёш хусусиятларини аниқлашга табақалаштирилган ёндашув бола ҳаётининг тегишли жиҳатларига тааллуқли бўлган тартибга солиш соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши билан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар (конвенциялар, шартномалар, битимлар) кўпайиб бормоқда, уларнинг нормалари боланинг ҳуқуқий мақомини 18 ёшгача бўлган шахсларга беришга мойилдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги болаликни ҳимоя қилади ва келиб чиқишидан, никоҳда ёки ундан ташқарида туғилганлигидан қатъи назар болаларнинг ҳуқуқларида тенглигини кафолатлайди ҳамда болага нисбатан ҳар қандай зўравонликни ва уни эксплуатация қилишни тақиқлайди.

Фуқаролик кодексига мувофиқ, шахс вояга етгунга қадар оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида бола ҳуқуқий мақомида бўлади. Шу билан бирга, Кодекс болаларнинг ёшини фарқлашни белгилайди: ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар кичик ёшдаги бола, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганлар эса вояга етмаган бола ҳисобланади. Фикримизча, бундай таъриф оила ҳуқуқида тўғридан-тўғри қўлланилиши турли истисноларни юзага келтиради. Чунки, бунда боланинг асосий хусусияти сифатида унинг маълум бир ёшга етиши белгиланади, зеро фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ёш мезонининг ўзи етарли эмас, аксинча шахснинг ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуниши ва уларни бошқариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Оила қонунчилигидан фарқли ўлароқ, “фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатида шахс” тушунчаси Фуқаролик кодекси учун аънавий термин ҳисобланади. Бундай ҳолда, қонун чиқарувчи асосий эътиборни шахснинг ёшига қараб ўзгариб турадиган ва ҳар доим ҳам шахснинг ёшига тўғри келмайдиган ҳуқуқ ва муомала лаёқати ҳажмига қаратади.

ФКнинг 17-моддасида қонун чиқарувчи барча шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари (фуқаролик ҳуқуқ лаёқати)га эга бўлишига лойиқ эканлигини белгилайди. Шахснинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати туғилган пайтида пайдо бўлиб ўлими билан тугайди.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари доирасида шахс вояга етган бўлса-да, лекин маълум сабабларга кўра тўлиқ фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлмаслиги ёки аксинча, вояга етмаган шахсда тўлиқ фуқаролик муомала лаёқатига эгалик вазиятлари юзага келиши мумкин. Баъзи ҳолларда вояга етган жисмоний шахс вояга етгунга қадар бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолиши кузатилади.

Масалан, ФКнинг 31-моддаси суд шахснинг фуқаролик муомала лаёқатини чеклаши мумкин бўлган ҳолатларни белгилайди, ФКнинг 28-моддаси қоидалари эса ўн олти ёшга тўлган шахсга тўлиқ фуқаролик муомала лаёқатини бериш шартларини назарда тутди. ФКнинг 1009 – моддаси жабрланувчининг ўлимидан келиб чиққан зарар болага ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар (талабага, талабага-битирувдан олдин, лекин у йигирма уч ёшга тўлгунга қадар) қопланишини белгилайди.

Шахснинг шахс сифатида шаклланишига ҳисса қўшадиган шахсий номулкий ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш масаласига келсак, ФК бундай ҳуқуқларнинг пайдо бўлишини шахснинг ҳаёти, исми, соғлиги ва бошқа ҳуқуқлари билан эмас, шахснинг маълум ёшга етиши билан боғлайди.

Масалан, ҳар қандай жисмоний шахс ўзига тиббий ёрдам кўрсатишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ўн тўрт ёшга тўлган ва тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахс шифокорни ва унинг тавсиясига кўра даволаш усулларини танлаши мумкин, шунинг баробарида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунадиган ва уларни бошқариши мумкин бўлган вояга етган шахс даволанишдан бош тортиш ҳуқуқига ҳам эга.

Интеллектуал мулк объектини яратган шахс нафақат ўз ижоди маҳсулининг муаллифи сифатида тан олинади, балки интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ҳуқуқларга ҳам эга бўлади. Интеллектуал ва ижодий фаолият натижаларига муаллифлик ёки патент ҳуқуқлари мажмуаси мавжуд, аммо фақат 14 ёшга тўлган шахсларгина мулккий муаллифлик ҳуқуқларини мустақил равишда тасарруф этишлари, муаллифлик ҳуқуқи ва лицензия шартномаларини тузишлари мумкин, бу ёшга етгунга қадар ушбу шахсларнинг қонуний вакиллари мулккий ҳуқуқларни тасарруф этадилар.

Қонун чиқарувчи томонидан ворислик ҳуқуқий муносабатларида қўлланиладиган “бола” тушунчаси, биринчи навбатда, қариндошлик даражаси, яъни болаларнинг бир ота-онадан келиб чиқиши билан тавсифланади. Бунда ёш мезони асосий маънога эга эмас, чунки “бола” атамаси вояга етмаганларга ҳам, вояга етганларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Ёш чегараси фақат вояга етмаганларни мерос қилиб олишда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда ҳисобга олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ФКда “бола” тушунчаси нафақат оила қонунчилигига хос бўлган психофизиологик (ёш) ва ижтимоий жиҳатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланган, балки жисмоний шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг хусусиятларини ҳам ҳисобга олган деган ҳулосага келиш мумкин. Бола ташувчиси бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасини, шунингдек, жавобгарлик чораларини аниқлашга табақалаштирилган ёндашув бола иштирокчиси бўлган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг ўзига хос турига боғлиқ. Фуқаролик ҳуқуқида ҳомила ҳолидаги, аммо туғилмаган

боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади, бироқ, туғилишдан олдин қонун ҳомила ҳолидаги болани субъект сифатида тан олмайди.

Оила кодексининг 74-моддаси боланинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мустақил равишда муружаат қилишга ҳақли эканлигини эътироф этган ҳолда, унинг ота-онасига ҳам бундай ҳуқуқни беради. Бу жиҳат эса айни пайтда адолатли ва боланинг қонуний вакили сифатида ота-онаси томонидан унинг ҳуқуқлари ҳар томонлама ва тўлиқ амалга оширилиши нуқтаи назаридан тўғри ҳисоблади. Чунки, болалар ўзларининг ёш ёки етарли даражада билимли эмаслигидан уялиб, баъзида ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳаракат қилмасликлари мумкин. Шу сабабли қонуний вакиллар – ота-оналар ёш боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий муносабатларга кириш ҳуқуқига эга ҳисобланадилар.

Ота-оналар, юқорида айтиб ўтилганидек, ўз фарзандларининг манфаатлари бўйича вакиллик қилиши ва ҳимоя қилиш ҳуқуқ ва мажбуриятига эга, яъни улар вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширадилар. Шу муносабат билан савол туғилади: ота-оналар ўзлари, эри, хотини ва яқин қариндошлари билан битимлар тузишда болаларнинг манфаатларини ҳимоя қила оладими? Бу саволга Фуқаролик кодексига ҳам Оила кодексига ҳам жавоб берилмаган.

Оила кодексининг 74-моддаси учинчи қисмида ота-оналар ўртасида қарама-қаршилик бўлса болаларнинг манфаатларини ифодалаш мумкин эмаслиги белгиланган. Бироқ, бу метёр ота-онанинг ўз боласи билан битим тузишда “манфаатлар қарама-қаршилиги” юзага келиши борасида аниқ ёндашувни ифода этмайди. Масалан, вояга етмаган болага бобоси томонидан васиятнома асосида кўчмас мулк қолдирилди. Бу ҳолатда вояга етмаган бола кўчмас мулкнинг мулкдорига айланади ва табиийки бу мол-мулкни бошқариш ёки унга нисбатан мулкрий ҳуқуқларни амалга ошириши талаб этилади. Бундай ҳолатда боланинг ота-онаси ушбу мол-мулкни вояга етмаган боланинг вояга етган акасига расмийлаштириб беришмоқчи бўлади. Бу ҳолатда “манфаатлар қарама-қаршилиги” масаласини ким

аниқлайди ёки қайси орган бу вазиятда ОКда белгиланган норманинг амал қилишини таъминлайди?, – деган саволлар туғилади. Қонунда ёзилган “васийлик ва ҳомийлик органи ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги”ни қандай аниқлаш ҳам муаммоли ҳолат саналади. Чунки, битим нотариал идорада давлат рўйхатидан ўтказилади. Бунда вояга етмаган боланинг мол-мулкни унинг ота-онаси тасарруф этиши улар ўртасидаги қарама-қаршиликни амалда ишламайдиган нормага айлантиради. Агар бу ҳолатга нисбатан адабиётларга эътибор қаратадиган бўлсак, муайян ечимлар таклиф этилганини кўриш мумкин. Масалан, В.П.Мироненконинг ёзишича, бундай вазиятда Украина Оила кодексининг 8 ва 10-моддаларида белгиланган қоидалар асосида Украина ФКнинг 68-моддасида белгиланган бандни қўллаш мумкин. Бунда келтирилишича “васий, унинг хотини, эри ва яқин қариндошлари (ота-онаси, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари) васийликдаги шахс билан шартнома тузишлари мумкин эмас, васийликдаги шахсга ҳада шартномаси асосида мол-мулкни мулк қилиб топшириш ёки қарз шартнома асосида текин фойдаланишга бериш бундан мустасно. Васий васийликдаги шахс номидан ҳада яни амалга ошириши, шунингдек унинг номидан кафиликни зиммасига олиши мумкин эмас”.

Фикримизча, мазкур фикр бир қадар ўринлидай кўрилади. Чунки, ота-она вояга етмаган боланинг номидаги мол-мулкни тасарруф этиши ёки бошқача усулда ушбу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларни ёмонлаштирадиган ҳаракатларни амалга ошириши қонунчилик даражасида белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Зулфия НУРАЛИЕВА,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конвенция о правах ребенка: Международный документ от 20.11.1989. URL: https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/995_021.
2. Конвенция о юрисдикции, применяемом праве, признании, выполнении и сотрудничестве в отношении родительской ответственности и мерах защиты детей: Международный документ от 19.10.1996 // <https://base.garant.ru/70179142/>
3. Европейская конвенция об осуществлении прав детей: Международный документ от 25.01.1996 // <https://lex.uz/docs/1584624>
4. Европейская конвенция о гражданстве: Международный документ от 06.11.1997 // <https://rm.coe.int/168007f2f6>
5. Конвенция Международной организации труда о запрете и немедленных мерах по ликвидации худших форм детского труда № 182: Международный документ от 17.06.1999.
6. Мироненко В.П. Ответственность родителей за ненадлежащее воспитание детей по семейному и гражданскому законодательству Украины: автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Киев: 2001. – 18 с.
7. Ромовская З.В. Семейный кодекс Украины: научно-практический комментарий. Киев: Ин Юре, 2003. 532 с.
8. Ван Бьюрен Дж. Международное право в области прав ребенка / пер. с англ. Г.Е. Краснокутского; науч. ред. М.А. Баймуратов. - Киев: БАХВА, 2006. – 59 с.
9. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 35 б; Матқурбанов Р. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. Монография. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. 167с.
10. Конончук Н.М. Понятие семейно-правового статуса ребенка: проблемы определения категории Научный вестник Ужгородского национального университета. Серия “Право”. 2013. Т. 1. Вып. 21. Ч. 1. С. 230–232.

*Ер кўррасидаги одалар
асосан ўдаклар.
Улайганлар шуда
озчиликни ташкил
этади, чунки нафеса
бандилик ўдакликнинг
сифатидир.*

**Мавлоно Жалолиддин
РУМИЙ**



МУЛОҲАЗА

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

**Отабек
ПОЁНОВ,**

Қашқадарё
вилояти юридик
техникуми
Ҳуқуқшунослик
фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада ғарб ва шарқ мамлакатларида узоқ йиллик турғунликдан кейин рўй берган уйғониш даврлари ва унинг инсоният тараққиётидаги беқиёс ўрни ифодаланган. Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётганлиги, уни барпо қилишда жамият ҳуқуқий маданиятининг юксак бўлиши лозимлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: ренессанс, ғарб ва шарқда уйғониш, илм-фан тараққиёти, сиёсат, ҳукмдорлар, марказлашган давлат, Учинчи Ренессанс, Учинчи Ренессанс авлодлари.

Инсоният тарихий тараққиётида илм-фан, санъат ва маданиятни юксак босқичга олиб чиққан Уйғониш даврининг тушунча сифатидаги лугавий маъноси франсузча “қайта тугилиш” бўлиб, атама сифатида жамият ҳаётида маданият, илм-фан, санъат ва таълим-тарбиянинг узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта уйғониб, тез ривожланишини, ижтимоий онг ва кадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Бу тушунча илк бор Италияда XIV-XVI асрлардаги маданий-маънавий юксалишга нисбатан қўлланилган бўлиб, ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳоланган.

Гарчи бугунги кунда Уйғониш даври дейилганда аксарият ҳолларда Европа кўз олдимизга келсада, аслида унинг илк куртаклари Ватанимиз сарҳадларида чечак очган. Илк уйғониш даврлари юртимизда IX-XI асрларда рўй берган. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, давлат юритишдаги, сиёсатдаги янгиликлар илм-фан кишиларини эзгу ғоялар атрофида бирлаштирди. Турли-туман фанларга, айниқса математика, астрономия, кимё, тиббиёт, ҳуқуқ, геодезия каби дунёвий фанларга қизиқиш кучайди ва олам тузилиши ҳақидаги замонавий назарияларга айнан ўша даврларда асос солинди.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий, имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотурудий, Абул Муин Насафий каби буюк аждодларимиз серқирра истеъдод соҳиблари бўлишлари билан бир қаторда, ўз фанлари бўйича бутун оламга устозлик мақомига эришдилар. Хоразмда Маъмун академиясига асос солинди. Даҳо мутафаккирларни ўз бағрига тўплаган бу олий даргоҳ нафақат ўз минтақаси, балки бутун дунё учун маърифат ўчоғи вазифасини ўтагани ҳақиқат. Шу даврларда барча йўналишларда бўлгани каби ислом

ҳуқуқшунослиги ривожда ҳам катта силжишлар рўй берди. Гарчи шу пайтларга қадар ҳам жамият тартиботи шариат қонунлари асосида олиб борилган бўлсада бу даврга келиб унинг мустақкам пойдеворига асос солинди, дейиш мумкин. Мисол сифатида буюк фақиҳ Бурхониддин Марғиноний (1123-1197.й.)ни келтириш мумкин. У зотнинг қаламига мансуб “Ҳидоя” асарида ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикр олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукамал шарҳи ҳам асослаб келтирилади.

“Ҳидоя” тўрт жуздан иборат бўлиб, биринчи жузга таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж китоблари каби ибодат масалалари, иккинчи жузга никоҳ, эмизиш, талоқ, қулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки каби масалалар киритилган.

Учинчи жуздан эса олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бировга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулҳ, бир ишда пул билан шерик бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, волийлик (патронат), мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин олган бўлса, тўртинчи жуздан шафоат, мерос тақсимлаш, деҳқончилик ҳамда боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонлик қилиш, шариатга зид ёмон нарсалар, ташландиқ ерларни ўзлаштириш хусусида, тақиқланган ичимликлар, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш, васият каби масалалар ўрин олган.

“Хидоя” бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, 1917 йил инқилобидан кейин то 30-йилларгача шариат қозилари бекор қилиниб, совет суд тизими жорий қилингунча амалда бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритадиган мусулмон мамлакатлар ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади.

Уйғонишнинг иккинчи тўлқини Соҳибқирон Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқ. У зот туфайли қудратли марказий бошқарувга асосланган давлат ва янги маданий-илмий юксалиш учун қулай муҳит юзага келди. Амир Темур ўз салтанатининг катта шаҳарларига турли ҳудудлардан истеъдодли олимлар, шоирлар, ҳунармандлар, меъморларни жамлади ва илм-фан тараққиёти учун керакли барча шарт-шароитларни яратиб берди. Бундай оқилона сиёсат мамлакатнинг илмий ва маданий қудратини кучайтирди.

Фазо илми ва математика фанларининг ривожланиши юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу давр тарихга “Ислом маданиятининг олтин асри” номи билан муҳрланди. “Олтин аср”да Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Гиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб ҳаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди. Давлат ривожини ва раият фаровонлигининг асоси бўлган ҳуқуқшунослик ривожланди. Биргина “Темур тузуклари”нинг ўзи бунга яққол мисол бўла олади.

Уйғониш давларининг ҳар иккаласига хос ягона жиҳат - давлат раҳбарларининг олиб борган одилона сиёсатидир. Маъмур академиясининг барпо этилишида хоразмшоҳ Маъмунийлар сулоласининг, иккинчисида эса буюк бобомиз Амир Темур ва темурий авлодларнинг ҳиссаси беқиёс. Ҳар икки сулола ҳукмдорлари ўз даврининг ёрқин истеъдодларини, олимларини давлат қаноти остига тўплаган ва ғамхўрлик қилиб, керакли шарт-шароитларни яратиб бергани учун тарихан қисқа давр ичида она юртимиз дунё илм-фанига пойдевор бўлган буюк кашфиётларга бешик бўлди.

Европа ўз уйғониш даврига ҳаракатлантирувчи кучни, айтиш мумкин бўлса Туронзаминдан, аниқроғи мусулмон олаmidан олди. Марказий Осиё мутафаккирларининг асарлари XII асрдан бошлаб Европа мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланган латин тилига таржима қилина бошлаган. Тиббиёт, таълим тизимида улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Бунинг натижаси ўлароқ Европа мамлакатларида санъат, маданият, рассомчилик, бадиий адабиёт ва фан-техника соҳаларида инқилобий-маданий ўзгаришлар рўй берди. Европа маданияти, санъати, илм-фан ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги Уйғониш даври тўртга бўлиб ўрганилади:

1. Уйғониш даври арафаси – проторенессанс. XIII-XIV асрлар.

2. Илк уйғониш даври – XV аср.

3. Юқори уйғониш даври – XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярми.

4. Сўнги уйғониш даври – XVI асрнинг иккинчи ярми.

Албатта, бу давр барча Европа мамлакатларида турлича кечган. Масалан, Германия сўнги уйғониш даврини, Нидерландия эса юқори уйғониш даврини бошидан кечирмаган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, “Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.” Давлат Раҳбари томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс гоёси нафақат давлатнинг, балки ёшларнинг, уларнинг ота-оналари-ю устозларининг орзу истакларини ўзида акс эттиради. Учинчи Ренессансни бой ўтмишимиз, бугун ва келажакимизни бирлаштирувчи бунёдкор гоё сифатида кўришимиз мумкин.

Учинчи Ренессанснинг ривожини учун умумбашарий кадриятларни кадрлаш билан биргаликда, илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларига яна-да чуқурроқ ёндашиш талаб этилади.



Давлатимизда Учинчи Ренессанс пойдевори ва уни барпо қилиш учун етарлича ҳуқуқий асос яратилган экан, эндиги вазифамиз:

- аҳолини барча қатламларининг қонун ҳужжатлари билан қулай ва самарали усулда танишишлари учун тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш;

- таълим ва тарбия воситасида ёш авлод қалбида кучли ватанпарварлик туйғусини шакллантириш;

- фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш;

- ҳар бир ёшнинг ўз қобилиятларини эркин намоён қилишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиш юзасидан олиб борилаётган ишларни кучайтириш;

- илм-фан, санъат, спорт, технология, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшган ёшларнинг манфаатли ишларини омдалаштириш каби вазифаларни амалга оширишдан иборатдир.

Учинчи Ренессансни барпо этишда жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳимлиги шундаки, ҳуқуқий ислохотлар ва мавжуд муаммоларнинг ўз ечимини топиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти қай даражада эканлигига ҳам боғлиқ. Ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Ўз навбатида жамиятнинг ҳуқуқий маданияти – бу жамият яратган маънавий кадриятларнинг таркибий қисмидир.

Учинчи Ренессанс фарзандлари деганда ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлган, илм-фаннинг юксак тараққиёт босқичига ўз ҳиссасини қўша оладиган баркамол авлодни кўз ўнгимизга келтирамиз.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти юксак даражада бўлсагина, улар ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришларга фаол муносабатда бўлишади, шахсий фикрларини билдирган ҳолда, жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиши мумкин бўлади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳамда 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сон қарори ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасида ҳали бажарилиши керак бўлган кўпгина вазифаларимиз борлигини кўрсатиб берди. Адлия вазирлиги ташаббуси билан 2019-2024 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси ишлаб чиқилди ва уни самарали амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” белгиланиб, ундаги вазифалар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу концепциянинг асосий йўналишларидан бири сифатида шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш келтириб ўтилган.

Шунингдек, тадбиркорлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун ҳуқуқий ҳужжатларни юрист иштирокисиз тайёрлаш имконини берувчи “Legal Tech” платформасини ишга тушириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ташкилотлар томонидан йўлга қўйилган “Street law” тарғибот усули, ҳуқуқий сайтлар, каналлар, ижтимоий тармоқларда ҳуқуқий йўналишдаги саҳифалар, блоглар – буларнинг барчаси жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳуқуқий онги, билими ва маданиятини шакллантириш ва юксалтиришга қаратилган. Зеро, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш – маънавияти юксак ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қодир Учинчи Ренессанс авлодларининг етишиб чиқиши учун ҳам муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳулоса қиладиган бўлсак, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмайди. Ўз манфаатлари билан жамият, давлат манфаатларини уйғун ҳолда кўра олади ва бу ўз-ўзидан ватанпарварлик ҳисси шаклланганлигининг ифодасидир. Учинчи Ренессанснинг ҳар бир авлоди юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлсагина у қайси жабҳада муваффақиятга эришмасин, ўз халқи ва юрти учун жонкуяр инсон сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-5618-сон. 09.01.2019–Лех.уз
2. “Учинчи Ренессанс- миллий гоа сифатида- Халқ сўзи- ХС.УЗА. 08.09.2020. Абдурахим Эркаев.
3. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон. 28.01.2022–Лех.уз
4. “Шарқ ва ғарб” Фозила Сулаймонова-Аим.уз
5. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент давлат юридик университети. 2021. Jamiyat huquqiy madaniyatining yuksalishi - uchinchi renessans poydevorini yaratishning muhim omili.



Хуршид МИРШАЕВ,
фуқаролик ишлари
бўйича Гулистон
туманлараро
судининг судьяси

ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Ҳадя шартномасида тарафларнинг мажбуриятлари масаласини тартибга солиш ўзига хос жиҳатлари билан анча фарқланади. Бу ўринда ҳадя қилувчи шартнома бўйича ашё, ҳуқуқни бериш ёки мажбуриятдан озод қилиш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармагани ёки лозим даражада бажармаганига доир жавобгарлик масаласига тўхталиб ўтиш зарур.

Ҳадянинг текинлик белгиси мазкур институтнинг ўзига хос кўплаб хусусиятларини очиб беради. Ҳадя текинга берилиши сабабли ҳам ҳақ эвазига тузилган шартномаларнинг айрим турлари (масалан, олди-сотди шартномаси) учун муайян камчиликлар аниқланганда жавобгарлик тўғрисида белгиланган махсус қоидаларни ҳадя қилувчига нисбатан қўллаш истисно қилади. Ҳақиқатдан ҳам бирон-бир фойда олишни кўзлаб зиммасига олган мажбуриятни бажарётган шахсга қўлланувчи қатъий талабларни сажийлиги ва олижаноблиги туфайли бирон нарчасини текинга бераётган шахсга нисбатан қўллаб бўлмайди. Шу сабаб ҳам ҳадя шартномаси бўйича мажбурият бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани учун жавобгарлик аксарият олимларнинг фикри бўйича мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни тартибга солувчи умумий қоидаларга асосланади.

ФК 333-моддаси 1-қисмига мувофиқ қарздорнинг айби мажбурият бузилиши учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади. Бу жавобгарлик ҳадя олувчи ва берувчи ўртасида шартнома шартлари бузилишида ҳадя қилувчининг айби борлиги аниқланган тақдирдагина вужудга келади.

Ҳадя қилувчининг жавобгарлиги энгиллаштирилиши бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Германия Фуқаролик тузуқларининг 521-§ параграфида ҳадя қилувчи ашёга қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказгани учунгина жавоб бериши, бу эса унга нисбатан айбининг бошқа шакллари қўллашни истисно этиши баён қилинади. Бироқ, ушбу ҳужжатнинг 524-§ параграфидаги ҳуқуқий меъёр ҳадя қилувчи ашёга қўпол эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказган ҳолларда ҳадя олувчига ашёни алмаштиришни талаб этиш ҳуқуқини беради ва буни юқорида кўрсатилган қоида ҳам тасдиқлайди.

Миллий қонунчилигимиздаги ҳадя шартномаси тўғрисидаги қоидаларда бу масала бўйича ҳеч қандай кўрсатма берилмайди.

Бу ўринда ҳадя қилувчининг жавобгарлигини энгиллаштириш қарздорнинг жавобгарлиги тўғрисидаги умумий қоидалардан истисно ҳисобланади, бу хил истисно эса одатда қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси бўлган тақдирдагина тан олинади. Модомики қонунда шундай кўрсатма йўқ экан, ҳадя қилувчига ҳам ҳеч

қандай энгиллик берилмайди. Бу эса ҳадя қилувчини жавобгарликдан озод қилиш (жавобгарлигини энгиллатиш) учун ҳеч қандай асос йўқ демакдир.

Бунда ҳадя қилувчининг айбини исботлаш мажбурияти ҳадя олувчига юклатилади. Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг айбини исботлагандагина унга етказилган зарар ҳадя қилувчи томонидан қоплаб берилади. Ушбу ҳолатда И.Анартаевнинг қуйидаги фикри ўринлидир: “Шуни айтиб ўтиш керак-ки, айнан ҳадя этилган ашёнинг камчиликлари ҳадя олувчига етказилган зарарнинг сабаби ҳисобланади. Бу камчиликлар конструктив, рецептур ва ҳоказо бўлиши мумкин, шунингдек ашёнинг ҳолати, ҳадянинг эскириш даражаси, унинг техник, технологик ва бошқа камчиликларидан келиб чиқиши мумкин. Бу камчиликларнинг асосий хусусиятлари уларнинг яққол кўринмайдиган хусусиятга эга бўлганлигида акс этади, бошқача айтганда, улар оддий кўриқда, тортишда, синовда ва бошқаларда ҳадя олувчи томонидан сезилмайди (масалан, касал ҳайвон топширилган бўлса, унда унинг аломатларини махсус ветеринар кўригисиз фош қилиб бўлмайди)”.

Зарар, ўз навбатида, ФК 14-моддаси қоидаларига биноан аниқланади ва ҳадя олувчининг ўзига етказилган зарарни (агар шартномада зарарни кичик ҳажмда қоплаш белгиланмаган бўлса) тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини кўзда туттади. Бу масалада ФК 31-боби умумий қоидаларида ҳеч қандай истисно белгиланмаган.

Бундан ташқари, етказилган зарарни тўлиқ қоплаш зарарнинг икки турини – ҳақиқий зарарни ва бой берилган фойдани кўзда туттади. ФК 15-моддасига мувофиқ, бу ўринда гап ҳадя олувчининг мулки йўқотилгани ёки шикастлангани билан боғлиқ бўлган ва бузилган ҳуқуқини тиклаш учун сарфлаган ёки сарфлайдиган харажатлари (ҳақиқий зарар), шунингдек, ҳадя олувчининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда фуқаронинг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, ammo ололмаган даромад (бой берилган фойда) устида борапти.

Бизнингча қонуннинг масалага бу хил муносабати унчалик асосли эмас, чунки шартнома текинга тузилишини назарда тутсақ, ҳадя қилувчининг зиммасига ҳақ тўлаш кўзда тутилган шартномаларга кўра қарздорлар бўйнига қўйилувчи жавобгарликка нисбатан

камроқ жавобгарликни юклаш адолатдан бўлади. Лекин, жавобгарликни шунчаки инсоф-адолат юзасидангина энгиллатиш ҳам мумкин эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунда ҳады қилувчининг ҳады олувчи олдидаги мажбуриятини тўлиқ ёки лозим даражада бажармагани учун жавобгарлигини ҳады қилувчи айбининг шакллари ва даражаларини, шунингдек ҳады олувчининг фуқаролик ҳуқуқлари бузилгани оқибатида етказилган зарарни қоплаш ҳажмини аниқлаштирган ҳолда кўрсатиш тўғрироқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Шу сабабли ҳам ФК 509-моддасига тегишли ўзгартириш киритиб, мазкур моддада айбнинг аниқ шаклини кўрсатган ҳолда ҳады қилувчининг жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу асосда Фуқаролик кодексининг 509-моддасини куйидаги тахрирда бериш мақсадга мувофиқ: **“Ҳады қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳады олувчининг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳады олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлгани аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳады қилувчи бу ҳақда билган бўлса-да, ҳады олувчини огоҳлантирмаганлиги ҳамда қасд ёки қўпол эҳтиётсизлик қилганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу Кодекс 57-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳады қилувчи томонидан қопланиши лозим”**.

Бироқ, ҳады шартномаси текинга тузилишини эътиборга олган ҳолда қонун ҳар қандай ҳолатда шартнома тарафларининг жавобгарлигини чекловчи умумий қоидаларда ҳады олувчи ҳадыни қабул қилишдан бош тортиши каби бир қатор истисноларни кўзда тутати.

ФК 503-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ҳады олувчи ўзига ҳады топширилгунга қадар исталган вақтда уни рад этиш ҳуқуқига эга. Бу қоида фақатгина консенсуал ҳады шартномаларига тегишли ва бундай шартномалар эса ФК 503-моддаси 3-қисмига биноан албатта ёзма шаклда бўлиши керак. Ана шу шартга риоя қилинган тақдирдагина ҳады қилувчи ҳады олувчидан ҳадыни ташиниш, сақлаш ва боқиш (жониворлар бўлса) билан боғлиқ харажатлардан иборат ҳақиқий зарарнинг ўзинигина қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳады қилувчига нисбатан ўз мажбуриятларини бузган қарздорнинг жавобгарлиги тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланишига қарамай, қонунда ҳады қилинган ашёнинг камчилик-нуқсонлари оқибатида ҳады олувчининг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига етказилган зарар учун ҳады қилувчининг жавобгарлиги алоҳида тарзда тартибга солинади.

ФК 509-моддасига мувофиқ, ҳады қилувчи бундай зарарни ФК 57-боби нормаларига, яъни шартномадан ташқаридаги зарарни қоплаш тўғрисидаги қоидаларга биноан қоплаши керак. Бунда:

биринчидан, ашёнинг нуқсонлари яширилгани; иккинчидан, нуқсонлар ашё ҳады олувчига берилгунга қадар пайдо бўлгани;

учинчидан, ҳады қилувчи била туриб ҳады олувчини нуқсонлар тўғрисида огоҳлантирмагани исботланиши керак бўлади.

М.Г.Масевичнинг фикрича: “Ашёнинг нуқсонлари ҳадыни қабул қилиш пайтида яққол кўриниб турган бўлса, шу нуқсонлар кейинчалик етказадиган зарар учун ҳады қилувчи жавобгар эмас”. Ана шу ўринда ҳады олувчи ҳадыни қабул қилиш (шу билан унинг яққол кўриниб турган нуқсонларини мустақил равишда, ўз кучи билан бартараф этишга ва ҳады қилувчини жавобгарликдан озод қилишга рози бўлиши) ёки ҳадыни олишдан бош тортиш тўғрисида бир қарорга келиши керак.

ФК 509-моддасининг ҳуқуқий талқини мазмунини очишда давом этарканмиз ҳады қилинган ашёнинг камчиликлари қаторига шу ашёга тегишли ҳуқуқнинг юридик нуқсонлари ҳам кўшиладими, йўқми?, – деган савол туғилади.

Миллий қонунчилигимизда ушбу ҳолат бўйича аниқ кўрсатма мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда бу саволга жавоб бериш учун куйидаги икки ҳолатни: битим тузиш пайтида ўзига тегишли бўлган ашёни ҳады сифатида тақдим этган ёки шунга ваъда берган ҳады қилувчининг жавобгарлигини ва ҳады қилувчининг ўзида бўлмаган, аввал қўлга киритиши зарур бўлган ашёни ҳады сифатида беришга ваъда қилгандаги жавобгарлиги масалаларини таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Биринчи ҳолатда 509-модда ҳады қилинган ашёнинг нуқсони учун жавобгарликни белгилайди ва ашёга нисбатан ҳуқуқ (масалан, мулк ҳуқуқи)нинг нуқсонлари тўғрисида ҳеч нима демайди. Қолаверса, ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳады олувчига ўтишини ҳисобга олсак, демак ҳады қилувчи ашёнинг ҳуқуқий ҳолатини, шунингдек, ашё фақат унинг ўзигагина тегишли эканлигини (мулк ҳуқуқи уч қисмдан иборатлигини) ҳам билиши шарт.

Акс ҳолда ҳады шартномаси бажарилмаган ҳисобланади, чунки ҳады бошқа бир шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг предмети бўлади, бу эса ўз навбатида мулкдор (ҳады қилувчи)нинг ана шу ҳуқуқий муносабатлардан хабардорлигини исботлайди.

Иккинчи ҳолатда ҳам ҳады этилган ашёнинг нуқсонлари учун жавобгарлик ФК 509-моддасига биноан белгиланади. Бинобарин, ҳады шартномаси бўйича мажбуриятни бажариш учун ашёни учинчи шахслардан (тайёрловчи, сотувчидан) харид қилиб, ўз мулкига айлантлар экан, ҳады қилувчи олди-сотди шартномаси муносабатларига киришади. Ана шу ўринда бир савол туғилади: мабодо ҳады қилувчининг айби йўқлиги исботланса, товарнинг нуқсонлари учун учинчи шахслар (тайёрловчи, сотувчи) жавобгар бўладими, йўқми?

Бу масалада И.Анортоев шундай фикр билдиради: “... ҳады қилувчи ашёсининг тузилиши ёки таркибида бошқа нуқсонлари бўлса ва бу ҳолатни билиб туриб ҳады қилган бўлса, шу товарнинг камчилиги туфайли етказилган зарарни қоплаши белгиланган. ФК 1017-1020-моддалари қоидага мувофиқ, бундай

зарар сотувчи ёки товарни ишлаб чиқарган корхона томонидан тўланиши лозим”.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини 4-моддасига мувофиқ, истеъмомчилар ўзларининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланишини улардан талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

ФК 1017-моддасига мувофиқ, товарнинг конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари, шунингдек, товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) томонидан қопланиши керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, агар зарар ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатга сабабий боғланган, яъни тайёрловчи ёки сотувчининг айбидан қатъи назар товарнинг нуқсонлари оқибатида рўй берган бўлса, унинг учун жавобгарлик вужудга келади. Қолаверса, хатти-ҳаракатнинг ҳуқуққа зидлиги товарда уни ишлаб чиқаришга, конструкцияси ва рецептурасига оид нуқсонларнинг ўзинигина эмас, балки қонунда белгиланган “бошқа нуқсонлар”ни ҳам қамраб олади.

Демак, бу ўринда товарга нисбатан ҳуқуқдаги нуқсонни ҳам шулар қаторига қўшиш мумкин. Айтайлик, бир одам велосипед сотиб олиб бошқа бировга ҳадя қилди, бироқ кейинчалик велосипед ўғирлангани маълум бўлиб қолди, ваҳоланки, уни сотган ҳам, харидор (ҳадя қилувчи) ҳам ҳалол одамлар. Шундай ҳолда ФК 985-моддаси 4-қисмида мустаҳкамлаб қўйилган умумий қоидалардан фарқли ўлароқ ФК 1017-моддаси айб бор-йўқлигидан қатъи назар жавобгарликни кўзда туттади.

ФК 1017-моддаси товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги қоида фуқаролардан ташқари юридик шахсларга нисбатан ҳам (агар улар товардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланмаган бўлса) қўллабди. Агар тайёрловчи, сотувчи ва ҳадя қилувчи айнан бир шахс эканлигини назарда тутасак мазкур қоида ФК 509-моддасига жуда яқин келади. Бироқ, юридик шахс товардан қандай қилиб истеъмом мақсадларида фойдаланиши мумкинлигини тушуниш қийин, чунки ташкилотда товар (мисол учун, офис ёки дам олиш хонасидаги телевизор)дан белгиланган мақсадда ҳар қандай тарзда фойдаланиш пировард натижада ягона ва бош мақсадга – фойда топишга қаратилган, бу эса ундан бари-бир тадбиркорлик фаолиятида фойдаланаётганини кўзда туттади.

Ҳадя қилган мулкни қайтариб олгани учун ҳадя қилувчи жавобгар бўладими, йўқми?, – деган саволга эътибор қаратсак. Бу масала ҳадя предметига нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқи билан боғлиқ. Бизнингча ҳадя қилувчи ҳадя предметига нисбатан ўзининг ҳуқуқи баҳсли эканлигини билмаган бўлса ўша ашё ҳадя олувчидан олиб қўйилиши учун жавобгар бўлмайди. **Шу боис ФК 31-бобини “агар ҳадя қилувчи ҳадя**

предметига нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлигини билгани ҳолда ҳадя олувчини бундан огоҳлантирмаган бўлса, шу ашёни учинчи шахслар олиб қўйиши оқибатида ҳадя олувчи кўрадиган ҳақиқий зарарни ҳадя берувчи қоплашга мажбур”-лиги тўғрисидаги меъёр билан тўлдириш керак.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, агар ҳадя қилувчи ҳадя предметига нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқи борлигини билса-ю, ҳадя олувчини шу ҳақда огоҳлантирмаса (яъни, айби бўлса), учинчи шахслар ҳадя этилган мулкни ҳадя олувчидан олиб қўйилганлиги учун тўлиқ ҳажмда жавоб бериши керак. Ҳадя қилувчининг айби бўлмаганда, яъни учинчи шахсларнинг ҳуқуқи қонуний асосда вужудга келган ҳолларда бундай жавобгарлик ҳам йўқ, аммо ҳадя этилган ашё билан муомала қилиш қоидалари ҳадя олувчи томонидан бузилган ҳолларда ҳадя қилувчи ҳадя қилинган ашёнинг қийматида ифодаланувчи ҳақиқий зарарнинг ўзинигина қоплайди, холос.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ФК 509-моддаси матнидаги **“ҳадя қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли”** деган жумлани **“ҳадя қилинган ашёнинг конструктив ва рецептуравий камчиликлари туфайли”** деган жумла билан (ҳадя қилувчи айнан қандай нуқсонлар учун жавобгарлигини кўрсатган ҳолда) алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу асосда Фуқаролик кодексининг 509-моддасини **“Ҳадя қилинган ашёнинг конструктив ва рецептуравий камчиликлари туфайли ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳадя олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлгани аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳадя қилувчи бу ҳақда билган бўлса-да, ҳадя олувчини огоҳлантирмаганлиги ҳамда қасд ёки қўпол эҳтиётсизлик қилганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу Кодекснинг 57-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳадя қилувчи томонидан қопланиши лозим”**, – деган таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса қонунчилигимиздаги ҳадя билан боғлиқ масалалар ечимини анча енгиллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Германское право. Часть первая: Гражданское уложение / Пер.с нем. -М., 1996. -С.107-108.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. II-жилд. 1-китоб. Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов умумий таҳрири остида. Мазъул муҳаррир: И.Анортоев. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 1998. –Б. 240.
3. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части второй (постатейный). 3-е издание, исправленное, переработанное и дополненное /Отв.ред. О.Н.Садиков. -М.: Юриформцентр, 2005. –С.156.
4. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая: текст, комментарий, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. М., 2006. –С. 308.
5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессионал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Baktria press, 2013. – Б. 228.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz/acts/4704>.

ҲАРОМДАН ТИЙИЛ, САЛОМАТ БЎЛАСАН!



Шом шаҳрида 97 ёшга кирган ҳурматли отахон бор эди. Шу ёшида ҳам қомати тик, кўзи ўткир, қулоғи яхши эшитар ва тишлари бутун эди (ваҳоланки, бундай улуғ ёшда қомат букилган, кўз хира, қулоқ яхши эшитмайдиган ва тишлар тўкилиб адо бўлган бўлади).

У кишидан:

– Эй саййидим, сиҳатингиз бардавом бўлсин, бундайин тан саломатлигига қандай қилиб эришингиз? – дея сўрашди.

У киши:

– Эй болам, бу танимиз аъзоларини ёшлик чоғларимизда гуноҳлардан асраган эдик, натижада кексайганимизда аъзоларимиз саломат сақланди, – деб жавоб берди.

Ким ҳалол ва поклик ила яшаса, қувватли умр гузаронлик қилади.

Ушбу воқеани ўқиётган биродарларимга айтаманки, мазкур инсоннинг айни кучга тўлган йигитлик даври қингир-қийшиқ ишлар ва гуноҳлардан йироқ ўтган эди. Энди унга мукофот ўлароқ яхши ҳолатдаги кексайиш ато қилинди.

Кимнинг йигитлик даври гуноҳларга мубталолик ила ўтган бўлса, уни жуда ҳам аламли кексайиш кутиб туради. Эс-ҳушидан айрилиб, бир сўзни минг марталаб қайта-қайта айтадиган бўлиб қолади ва фарзандлари унинг бу ҳолатидан уялиб юришади.



**Наргиза
ФАХРИДДИНОВА,**
Ўзбекистон
Республикаси
ИИБ Академияси
мустақил
изланувчиси.

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИШНИ РАД ЭТИШДА ШАХС ҲУҚУҚ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада жиноятни фош қилиш жараёнида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш учун янги концептуал вазибаларнинг қонунчиликка киритилиши бўйича таклифлар илмий жиҳатдан асосланган.

Таянч сўзлар: жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, айбисизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, вояга етмаган шахс.

ЖПКда жиноят ишини қўзғатишни рад этишда амал қилиниши лозим бўлган бир қатор талаблар мавжуд бўлиб, уларнинг бажарилиши нафақат шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, балки жиноят-процессуал қонунчилиги вазибаларининг ижро этилишига ҳам хизмат қилади.

ЖПКнинг 320²-моддасига кўра: “Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирлар, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади”. Қонуннинг ушбу бандида келтирилган терговга қадар текширув тушунчасида, назаримизда бир қатор ноаниқликлар мавжуд бўлиб, уларга аниқлик киритиш учун жиноят-процессуал кодексда терговга қадар текширувга доир мавжуд таърифларга мурожаат қилишни лозим, деб топдик.

Ҳозирги кунга қадар юридик адабиётларда терговга қадар текширув тушунчасига оид яқдил фикр мавжуд эмас. Бу эса ушбу институтнинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Айрим олимлар терговга қадар текширув жараёнини жиноятларни тергов қилишнинг бир кўриниши сифатида талқин этишса, иккинчи гуруҳ олимлари ишни судга қадар юритишнинг босқичи сифатида таъкидлаб, дастлабки терговдан олдин юз берадиган ҳодиса, кейинги гуруҳ олимлари эса терговга қадар текширувни маълум давлат органларининг фаолият кўриниши, дейди. Яна бир гуруҳ олимлар терговга қадар текширувнинг аниқ тушунча, жиноят процессининг муқтақил босқичи эканлигини таъкидлайдилар.

Жумладан, У.Т.Таджихановга кўра терговга қадар текширув серқирра тушунча бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида жиноят ишини қўзғатиш, уни қўзғатишни рад этиш масаласи ҳал этилади.

Терговга қадар текширув тушунчасининг яна бир таърифи кўра жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлиги ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёни тушунилади.

Дастлабки тергов ва суд босқичида шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади. В. С. Шадриннинг фикрича, жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланиши ва самардорлиги кўп жиҳатдан ушбу ҳуқуқларга дастлабки тергов жараёнида қай даражада амал қилиниши билан боғлиқ. Жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланмаслиги ёки чекланиши билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар айнан дастлабки тергов босқичида вужудга келади. Фикримизча, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки тугатиш давомида терговчи, прокурор ҳамда суд шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилмаслигини таъминлаш билан бирга, уларга ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари учун барча шароитларни яратиб бериши лозим.

Жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг ҳуқуқларини кафолатловчи меъёрлар сифатида ЖПКнинг 64-моддасини келтириш ўринли бўлади. Чунки, ушбу моддада суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга оши-

риш имкониятларини таъминлаши шарт эканлиги қайд этилган.

Жиноят ишини тугатишда жараён иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши кафолатланганлиги ЖПКнинг 375-моддасида ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, ушбу моддада қайд этилганидек, терговчи жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилганида, бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи тўғрисида гумон қилинувчи, айбланувчи ва ҳимоячини хабардор қилиши ҳамда уларнинг илтимосларига биноан танишиб чиқиш учун ишни тақдим этиши лозим.

Терговчи ЖПКнинг 375-моддасига амал қилган ҳолда айбланувчига иш бўйича терговнинг тугатилишини хабар беришидан аввал жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ёки вакилларини иш материаллари билан таништириб чиқиши керак (жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳолислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисми танишиб чиқиш учун тақдим этилмаслиги мумкин).

Лекин, амалдаги ЖПК нормаларида ушбу Кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган асосларни қўллашдан аввал гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг қонуний вакилларига тегишли асоснинг моҳияти ва уни қўллаш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунтириш талаби белгиланмаган. Ваҳоланки, аксарият шахслар ЖПКнинг 84-моддасида ўз ифодасини топган асосларнинг ушбу Кодекснинг 83-моддасида белгиланган реабилитация (оқлаш) учун асослар билан фарқини чуқур англаб етмайдилар. Бу эса, ўзини айбсиз ҳисобламаган айрим шахсларга нисбатан ҳам жиноят ишининг 84-моддада назарда тутилган асослар билан тугатилишига ва мазкур жиноятни содир этган ҳақиқий айбдор шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Айрим жиноят ишларини кўзғатишни рад этиш асослари ЖКнинг тегишли моддалари билан боғлиқлиги сабабли, бу ўринда ЖПКнинг қўлланилаётган асосга тааллуқли қисмини келтириш ўринли бўлади.

ЖПК 333-моддасига кўра, ЖПК 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3 — 8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят иши кўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади.



Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси прокурорга юборилади.

Ушбу Кодекс 84-моддасини биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳолат суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан аниқланган тақдирда, жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ушбу Кодекснинг 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади.

Кодекснинг 84-моддаси биринчи қисми 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган асосларга кўра жиноят иши кўзғатишни рад этишга, агар ўзига нисбатан жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахс ёки вафот этган шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар дарҳол прокурорга юборилади.

Қуйидаги ҳолларда жиноят ишини кўзғатиш рад этилиши лозим:

- 1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- 2) шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;
- 3) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
- 4) эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарор жиноят содир этган шахсга дахлдор бўлса;
- 5) жиноятни содир этган шахс вафот этган бўлса;
- 6) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

7) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

8) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса;

9) шахс ижтимоий хавfli қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;

10) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Терговга қадар текширувни амалга оширган органнинг мансабдор шахси жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини прокурорга юборади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатлар шахснинг қонунга хилоф равишда ушлаб турилиши ёки бошқа ҳуқуқларининг чекланилиши натижасида

унга етказилган мулкый зарарнинг ундирилишига ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишига асос бўлади.

Мазкур модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш Кодекснинг 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4, 5, 8, 9 ва 10-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилган шахс ёки вафот этган бундай шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, жиноят иши қўзғатилиб, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар дарҳол прокурорга юборилади.

Шунингдек, ЖПК 84-моддасининг биринчи қисмидаги айрим асослар билан, хусусан шахс ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги аниқланганида ёки амнистия акти қабул қилинган тақдирда, ёхуд айбланувчи, судланувчи вафот этганлиги асослари билан ишни тугатиш учун айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари иш юритиш ни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилмаган бўлишлари лозим. Бу борада таҳлиллар шуни кўрсатадики, тугатилган ишларнинг аксариятида ишни умумий тартибда давом эттириш талаби билдирилмаган. Шунингдек, жиноят ишини тугатишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан ишни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқлари тушунтирилганлигини тасдиқловчи ҳеч бир ҳужжат тузилмаган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таҳлиллар ушбу норманинг амалиётда кам қўлланишига қуйидагилар сабаб бўлаётганини кўрсатди:

биринчидан, жиноят ишини тугатиш жараёнида тегишли ваколатли органларнинг иш юритилишини умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқи-га эга шахсларга мазкур ҳуқуқларининг тушунтирилиши ЖПКнинг 84, 374 ёки 375-моддалари ёки бошқа нормаларида аниқ қайд этилмаган;

иккинчидан, ишнинг юритилишини умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш қандай шаклда расмийлаштирилиши белгилаб қўйилмаган;

Саёз ариқ тари-
лаб оқади. Чуқур
дарё эса бир
паронда, еокин
ҳаракатланади.

Донолар
бисотидан



учинчидан, жиноят ишига гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларда ишни умумий тартибда давом эттириш истаги йўқ.

Фикримизча, мавжуд ҳолатни бартараф этиш учун ишга жалб қилинган гумон қилинувчига ҳам ишни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқини бериш лозим. Ушбу тартибнинг амалдаги қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмайди, аксинча, жиноят-процессуал муносабатларда ҳақиқатнинг аниқланиши ва жиноят иши юзасидан адолатнинг қарор топишига хизмат қилади.

ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида тергов органларининг жиноят ишини тугатиш ҳақида чиқарган қарорининг бекор қилиниши айбланувчи, судланувчи ёки уларнинг вафот этганидан сўнг яқин қариндошлари ихтиёрида эканлиги қайд этилиб, шахсни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги муносабати билан жиноят иши тугатилаётган ҳолатларда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакилига жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳуқуқи нега кафолатланмаган? Бизнинг фикримизча, жавобгарликка тортиш ёшига етмаган шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилгани муносабати билан жиноят иши тугатилган ҳолларда шахснинг айбсизлигини исботлаш учун иш бўйича вояга етмаган шахснинг ўзи ёки қонуний вакили (ота-онаси, тегишли ҳуқуқларга эга бўлган васийлари) ишнинг умумий тартибда давом эттирилишини талаб қилсалар, иш умумий тартибда давом эттирилиши шарт.

Натижада, ЖПКнинг ҳақиқатни аниқлаш ва айбсизлик презумпцияси каби тамойиллари жиноят-процессуал муносабатларда янада кенгрок ўрин эгаллашига, ҳар бир шахсга айбсизлигини суд орқали исботлашга имкон яратилади. Бунинг учун ЖПК 84-моддаси иккинчи қисмидаги “айбланувчи, судланувчи вафот этган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчи, судланувчининг” деган жумлани “гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи вафот этган ҳолларда, агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг” деб ўзгартириш лозим.

ЖПК 84-моддаси бешинчи қисмининг 2-бандида қайд этилган “биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган

бўлса” асоси бугунги кунда ўрганилиши ва такомиллаштирилиши зарур. Қолаверса, мамлакатимизда содир этилаётган жами жиноятларнинг 70 фоизидан ортиғини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этаётганлигини инобатга олсак, танланган асосимизнинг самарали қўлланишини таъминлаш ниҳоятда долзарблигига амин бўлаемиз. Зеро, айтиб ўтганимиздек, ушбу асоснинг қўлланиши жиноятни фош этишда катта аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этганимиздек, жиноят ишини кўзғатишни рад этиш институтининг самарали қўлланилишига тўсқинлик қилаётган энг асосий омиллардан бири – раҳбарлик ва назорат қилувчи органларнинг ушбу институтга нисбатан салбий муносабатда эканлиги, десак муболаға бўлмайди. Зотан, айнан уларнинг қараш, яъни жиноят ишини рад этишда жиноят ишларига муносабати ушбу институтнинг қўлланиш даражасини белгилаб беради. Уларнинг назарида, “жиноят ишини тугатиш уни кўзғатиш ёки юритиш давомида йўл қўйилган хато натижасидир”. Бу эса ушбу масалага бир ёқлама ёндашиш, қолаверса, ЖПКнинг 2-моддасидаги “... айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш” вазифаларининг бажарилишида жиноят иши кўзғатишни рад этиш институти қанчалик муҳим аҳамият касб этишини англамаганликдан келиб чиқмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят иши кўзғатишни рад этиш асосларининг янада самарали қўлланилиши ҳар бир жиноят иши юзасидан адолатнинг қарор топишига хизмат қилиб, жиноят-процессуал муносабатларда ўз манфатларини ҳимоя қилаётган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим институтлардан бирига айланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шадрин В.С. Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. – М., 2000. – С.51.
2. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б.156–157.
3. Жиноят процесси / Ю.ф.н., доцент З. Ф. Иноғомжоновнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2003. – 94 б.
4. http://www.law.vsu.ru/sudvl/pdf/sudvl2016_2.pdf
5. Узбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда.
6. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик – Т., 2019. –Б.20.
7. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи 22.02.2021 йил// <https://president.uz/uz/lists/view/4179>
8. 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг янги лойиҳаси. <https://review.uz/oz/post/20222026-yillarga-moljallangan-taraqqiyot-strategiyasining-yangi-loyihasi>
9. <https://cyberleninka.ru/article>
10. <http://lawtheses.com/neotlozhnye-sledstvennye-deystviya-i-oshibki-pri-ih-proizvodstve>



**Бунёд
РАДЖАБОВ,**
ИИВ Академияси
мустақил
изланувчиси

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

АННОТАЦИЯ:


мақолада ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришининг назарий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, бу борада ўтказилган ижтимоий сўров натижасида олинган маълумотлар, шунингдек, сўнги йилларда ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқий маданиятини оширишга таъсир қилувчи омиллар ва истиқболдаги вазифалар атрофича муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари ходими, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ахборот, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, касбий маданият, хизмат интизоми, ҳуқуқий тарбия.

Ички ишлар тизимида қатор муаммоларнинг мавжудлиги соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга салбий таъсир қилмоқда. Мазкур муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўров натижалари ва ижтимоий тармоқ маълумотлари таҳлили ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича бартараф этилиши лозим бўлган бир қанча тизимли муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, тадқиқот давомида ўтказилган сўровномадаги “Жамият ҳуқуқий маданиятини оширишда қайси давлат (нодавлат) жамоатчилик ташкилоти ёки субъектлар фаолиятини юқори баҳолайсиз?”, – деган саволга респондентларнинг 26,2 фоизи журналист ва блогерлар, 25,4 фоизи адлия органлари, 4,2 фоизи таълим муассасалари, 3,5 фоизи суд ва депутат, сенаторлар, 3,1 фоизи прокуратура ва Миллий гвардия, 23,1 фоизи ички ишлар органлари деб жавоб беришган.

Жамият ҳуқуқий маданиятини оширишда қайси давлат/нодавлат/жамоатчилик ташкилоти ёки субъектлар фаолиятини юқори баҳолайсиз?



Шунингдек, “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий билими, мулоқот маданиятини 1-5 баллик тизимда баҳоланг?”, – деган саволга респондентларнинг 2,3 фоизи 1 балл, 4,6 фоизи 2 балл, 57,7 фоизи 3 балл, 28,8 фоизи 4 балл, 6,5 фоизи 5 балл билан баҳо берган.

“Сизга фуқаролар билан мулоқот, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлик ва жазо масалалари тушунтирилиши жараёнида нималар ҳалақит қилади ёки тўсиқ бўлиши мумкин?”, – деган саволга респондентларнинг 15,2 фоизи фуқаролар билан ҳуқуқий тилда аниқ, раво гаплаша олмаслик; 27,7 фоизи фаолияти бўйича тўла-тўқис малака, кўникма ва тажриба етарли эмаслиги; 41,1 фоизи фуқаронинг ўз ҳаққини талаб этишига, носамимий муносабатига чидаб туролмаслик, яъни сабр қила олмаслик ҳамда 16,1 фоизи фуқаронинг кўполлигига қарши кўполлик билан жавоб қайтариш, яъни ҳақдорлик ҳолатлари мулоқот жараёнида таъсир этиши бўйича жавоб вариантларини белгилашган.


“Сиз ИИО ходими сифатида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ҳуқуқий билим ва касбий салоҳиятингизни қай даражада деб баҳолайсиз?”, – деган саволга респондентларнинг 9,8 фоизи қониқарсиз; 36,6 фоизи қониқарли; 48,2 фоизи яхши ҳамда 5,4 фоизи аъло даражада деб жавоб берган.

Бундан ташқари, “Ички ишлар органларининг аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятини қай даражада деб ҳисоблайсиз?” деган саволга сўровда иштирок этаётганларнинг 11,5 фоизи қониқарсиз; 43,8 фоизи қониқарли, яъни ўзаро мулоқот жараёнида тўлиқ ва

атрофлича ҳуқуқий тушунтириш бера олмайди; 38,1 фоизи яхши, яъни кўп ҳолларда тўлиқ ҳуқуқий тушунтириш бера олади деб, атиги 6,5 фоизи аъло, ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдали ҳуқуқий маслаҳат бера олади, деган жавоб вариантларини белгилаганлигини кўришимиз мумкин.



Шу ўринда, “ИИО ходимлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг асосий сабаблари сифатида нималарни кўрсатасиз?” – деган саволга респондентларнинг 10,7 % ходимнинг қонун ҳужжатлари талабларга риоя этмаслигини; 14,3 % ходимнинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашишини; 67 % ҳуқуқий билимлари, касбий кўникмалар ва тажрибанинг етарли эмаслиги ҳамда 2,7 % вазифасига кирмайдиган топшириқларнинг кўплигини асосий сабаб сифатида кўрсатиб ўтишган.




Шунингдек, “ИИО ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қандай омиллар салбий таъсир кўрсатади?” – деган саволга респондентларнинг 25 фоизи айрим раҳбар ходимларда ҳуқуқий билим ва маданиятнинг етарли эмаслигини; 58 фоизи ходимларнинг ўз устида ишлашлари учун етарли шарт-шароит яратилмаганлигини; 30,4 фоизи ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлигини таъкидлашган ва қўшимча сифатида меҳнат қонунчилигига амал қилинмаслиги, ватанпарварлик ҳисси етарли эмаслиги, виждонсизлиги ва билимсизлиги, ёзилмаган қонунлар ёзилган қонунларга нисбатан яхшироқ ишлаши, ходимга функционал вазифадан кўра юқори раҳбариятдан келиб тушган кунлик топшириқнинг кўплиги каби салбий омилларни ҳам санаб ўтишган.

Маълум бир ҳуқуқий муносабатларга киришиш жараёнида ички ишлар органи ходимига дуч келиш асносида салбий фикр ва хулоса шаклланганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Бироқ, ҳар бир билдирилган фикр мулоҳазалар чуқур таҳлил қилинган ҳолда ечим ва чора-тадбирлар белгилашда асос вазифасини ўташ имкониятлари ўрганиб чиқилади.

“Сўнги бир йил ичида сиз ички ишлар органи ходими билан қандай сабабга кўра дуч келдингиз?” – саволга респондентларнинг 15,4 фоизи ҳуқуқбузарлик ёки ноқонуний ҳаракат (жиноят) со-



дир қилганим боис; 42,7 фоизи ҳуқуқий маслаҳат олиш жараёнида; 18,8 фоизи ҳуқуқий тарғибот тадбирларида ва 8,5 фоизи яқин қариндошлар, таниш-билишлар ишига алоқадор ҳолатларда дуч келганман, деб жавоб беришган.



Ўтказилган сўров таҳлили аксарият респондентларнинг фикр мулоҳазаларидан ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини қониқарли деб ҳисоблаш мумкинлигини билдирса, айрим соҳа ва йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган бир қанча чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда.

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда ички ишлар органлари ходимлари томонидан фуқаролар ва ҳокимият вакиллари ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш вақтида юзага келган низоли вазиятлар акс этган видео тасвирлар кенг тарқалмоқда. Мазкур келишмовчиликлар асосан ҳокимият вакиллари ички ишлар органлари ходимлари борлигидан фойдаланиб фуқароларга нисбатан ноўрин ва қўпол хатти-ҳаракатлар, ҳурматсизлик, ўз ваколатларидан четга чиқиш ҳамда айрим вақтларда аҳолининг мулкига очиқдан-очиқ тажовуз қилишлари оқибатида келиб чиқмоқда. Бу каби вазиятлар, ИИВнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи халқчил тизим яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига жиддий путур етказиб, ички ишлар органларига нисбатан кенг жамоатчиликда ишончсизлик кайфиятини келтириб чиқармоқда.

Сўровнома натижасида, ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги муаммолар ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, 2 гуруҳга ажратган ҳолда ифодалаш лозим топилди.

Ички омиллар: ходимларнинг ташқи кўриниши ва касбий билим даражаси, профессионал тайёргарлиги, нутқ маданияти, жамоадаги муҳит, ижтимоий ҳимоя тизими, қонун бузилиши ҳолатлари, коррупция.

Ташқи омиллар: оммавий ахборот воситалари, тарғибот-ташвиқот ишлари даражаси, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга аҳолининг муносабати, ички ишлар органларининг жамиятдаги ўрни, жамоатчилик фикри, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжихатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш учун ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш соҳа олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Юқоридаги таҳлил этилган тадқиқот натижаларида ўрганилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти даражасини оширишнинг узлуксиз тизимини яратиш ва уни баҳолашни янги мезонлар асосида амалга ошириш;

ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларни халққа яқинлаштириш мақсадида улар фаолиятини ёритувчи видео ва кинофильмлар тасвирга олиниши ҳамда улар касбий фаолиятини олиб боришининг адолатли, холис ва шаффоф тизимини яратиш ишларини янада кучайтириш, ўрнатилган тартибларни тубдан соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш каби таклифлар илгари сурилади.

АЙБЛОВ ҲУКМИ: ТАРКИБ ВА ТАЛАБ

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада ҳукмнинг таркибий элементлари, уларда акс этиши лозим бўлган масалалар, хорижий мамлакатлар қонунчилигида ушбу процессуал ҳужжатнинг таркибий элементлари, кириш, тавсиф ҳамда қарор қисмларни шакллантиришдаги мавжуд муаммолар баён қилинган.

Калит сўзлар: ҳукм, кириш, тавсиф ҳамда қарор қисмлари, далил, жиноят квалификацияси.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье описаны составные элементы приговора, структурные элементы данного процессуального документа в законодательстве зарубежных стран, вводная, описательная и резолютивная части, существующие проблемы в образовании частей приговора.

Ключевые слова: приговор, введение, описательная и резолютивная часть приговора, доказательства, квалификация преступления.

Ҳукм энг муҳим ва ишни мазмунан ҳал қилдиган жиноят процессуал ҳужжати саналади. Ушбу ҳужжатни қонун талаблари (ЖПКнинг 466-468-моддалари)га риоя қилган ҳолда ёзиш қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишнинг муҳим кафолатларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 12-бандида ҳам “Суд ҳукмининг кириш, тавсиф ва қарор қисмлари мазмуни бўйича қонун талабларига риоя қилиш асосли суд қарори чиқарилишининг умумий кафолатларидан бири ҳисобланади”, дея таъкидланган.

ЖПКнинг 466-моддасига кўра ҳукмнинг кириш қисмида унинг қачон ва қаерда чиқарилганлиги, чиқарган суднинг номи, таркиби, суд мажлисининг котиби, тарафлар, таржимон, судланувчининг исми шарифи, туғилган санаси ва жойи, яшаш ҳамда ишлаш жойи, машғулот, маълумоти ва судланувчи хусусидаги иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар шунингдек судланувчига кўйилган айблов Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлиги каби маълумотлар акс этиши лозим.

Булардан ташқари, ҳукмнинг кириш қисмида судланувчи саломатлигининг аҳволи, унда давлат мукофотлари ва махсус унвонларнинг борлиги, муқаддам судланганлиги (агар судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлса) ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади. Шунингдек, кириш қисмидан суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари - жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, жавобгар ва уларнинг вакиллари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олади.

Айблов ҳукмига судланувчига тегишли бўлган қуйидаги маълумотлар кўшиб кўйилиши мумкин:

- судланувчининг ногиронлиги;

- давлат мукофотлари, ҳарбий ва бошқа унвонлари;

- судланганлиги ҳақида (судланганлик муддати, ишни кўрган суднинг номи, қайси модда билан айбланганлиги, жазо турлари, синов муддати ҳақидаги маълумотлар, ўталмаган жазо муддати, вояга етмаган пайтда жиноят содир этган бўлса у маълумотлар киритилади);

- ҳукмнинг олдинги судланганлик сабабли ўзгарганлиги.

Ҳукмнинг тавсиф қисмида суд томонидан суд муҳокамаси давомида исботланган фактлар ва қабул қилинаётган қарорнинг асослари акс эттирилади. Айблов ва оқлов ҳукмларининг тавсиф қисми турлича бўлади. ЖПКнинг 467-моддасига биноан, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим. Ҳукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилади. Жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбнинг бир қисми асоссиз деб топилган тақдирда ёки жиноятнинг тавсифи нотўғрилиги аниқланганда эса айбловни ўзгартириш асослари ва сабаблари кўрсатилади.

Суд ҳукмининг тавсиф қисмида содир этилган ҳар бир жиноят ва ҳар бир судланувчига нисбатан юқоридаги ҳолатлар асосланганлиги ҳамда далиллар тизимидан олиб ташланган маълумотларни рад этиш сабаблари кўрсатилади. Ундан кейин жиноятнинг содир этилиш вақти, жойи, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг мақсади ва оқибатлари, яъни жиноят таркибининг тегишли белгилари билан айблов таърифланади. Шунингдек, жиноий қилмишнинг барча эпизодлари ҳам ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилиши лозим.

Айбловни аниқ очиб беришда суд бевосита кўриб чиқилган далилларга асосланади, яъни айблов фақатгина суд муҳокамасида исботланган ҳолатлар асосида таърифланади. Ҳукмда судланувчининг ўз айбига тўла ёки қисман иқдорлиги ёки уни рад этиши шу билан бирга унинг ўзини оқловчи вазияларнинг мазмуни очиб берилади. Сўнгра судланувчининг айбини тасдиқловчи ёки инкор этувчи далиллар таҳлил қилинади.

Суд қонун ҳужжатларига биноан судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки унинг устидан ҳомийлик тайинлаш лозим деб топса, бундай қарорга келиш сабабларини кўрсатиши шарт. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг судланувчини шартли ҳукм қилиб, у билан тарбиявий иш олиб бориш учун ўзларига беришни сўраган илтимосномалари бўлса, суд ҳукмида уларни қаноатлантириш ёки рад этиш сабаблари кўрсатилади. Суд, шунингдек қўзғатилган фуқаровий даъво ёки жиноят оқибатида келтирилган мулкӣ зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси билан чиқарган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиши лозим.

Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас, шунингдек судланувчининг дастлабки тергов ёки суд муҳокамасида ўз айбини бўйнига олиши суд томонидан айблов ҳукми чиқаришга асос ҳам бўла олмайди. Судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги тўғрисидаги далиллар ҳукмда нима учун ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги асослантирилган ҳолда кўрсатилиши лозим.

ЖПК 415-моддасига кўра, суд айбловни ўзгартириши мумкин. Унинг асосий шarti шундаки, айблов фақатгина судланувчининг аҳолини енгиллаштирадиган, унинг ҳаракатини қонуннинг бошқа моддаси ёки қисми, бандига қайта тавсифлашга имкон берадиган бўлиши керак. Шу модданинг иккинчи қисмига

Сизлардан бировингиз бошқанинг кўзидagi арзипасе чангипи кўради, аипо ўзининг кўзидagi чўпга парво қилмайди.

“Жавомибул калим”дан

биноан, суд томонидан айблов оғирроғи ёки дастлабки айбловга нисбатан жиддий фарқ қиладиган айблов билан ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Оғирроқ айблов, яъни оғирроқ жазо чорасини кўзловчи бошқа қонун меъёрининг татбиқ этилиши кўшимча жазога ҳам тегишлидир.

Олий суд Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қароридa “Судлар ЖПК 467-моддаси мазмунига кўра, суд ҳукмининг тавсиф қисмида ушбу ишда муҳокама қилинмаётган шахсларнинг жиноятдаги иштирокини кўрсатишга ҳақли эмас” дейилган. Жиноят иштирокчилиқда содир этилган бўлиб, бошқа иштирокчилар аниқланмаган ёки қочиб кетганлиги ёхуд айрим сабаблар билан уларга оид иш судда муҳокама қилинмаган бўлса, ҳукмда иштирокчиларнинг фамилияси, исми ва шахсига оид маълумотлар кўрсатилмасдан, фақат жиноят иштирокчилиқда содир этилгани қайд этиб ўтилиши, суд ҳар бир иштирокчи жинoий ҳаракатнинг қандай қисмини содир этганини кўрсатиб ўтиши лозим.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, суд муҳокамасида судланувчи суриштирув ёки дастлабки терговда берган кўрсатувларига зид бўлган кўрсатувлар беради. Шундай ҳолларда суд олдин берилган кўрсатувларни бошқа далиллар билан биргалиқда синчковлик билан текшириши ва баҳолаши, бунинг натижаларини суд ҳукмининг далилларни баҳолаш қисмига киритиши, судланувчининг қайси берган кўрсатувлари жиноят иши бўйича ҳақиқий ҳолатга тўғри келишини кўрсатиб ўтиши лозим.

Суд судланувчининг жинoий қилмиши ва жиноят таркиби билан боғлиқ масалани кўриб чиққанидан сўнг, судланувчи айбдор деб топилган ҳолларда жазо тайинлаш масаласини ҳал этади.

Жазо тайинлашда ЖК меъёрлари, хусусан жазо тайинлашнинг умумий асосларига оғишмай риоя қилиниши шарт. Енгилроқ жазо қўллаш орқали мақсадга эришиш имкониятлари бўлмаган ҳолларда оғирроқ жазо чоралари тайинланади. Шунингдек, жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусияти, содир этилиш сабаблари, келтирилган зарарнинг миқдори, судланувчининг шахси, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши ҳамда тайинланган жазо судланувчи содир этган жинoий қилмишига яраша, мутаносиб равишда бўлиши керак.

Айблов ҳукмининг тавсиф қисми куйидаги кетма-кетликда шакллантирилади:

А. Суд томонидан исботланган жинoий қилмишнинг тавсифи.

Мазкур ҳолатда жиноят содир этилган жой, вақт, усул, айб шакли, мотив, мақсад, жиноят оқибати, ушбу ҳолатлар қандай аниқланганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади:

Б. Суд хулосалари, асосланган далиллар.

Жиноят ишига алоқадор далиллар ва уларнинг айнан судланувчига тегишлилиги бўйича маълум-

мотларни изоҳлаш судланувчига айб қўйиш жиҳатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда:

- судланувчининг айбини бўйнига олганлиги ҳамда ушбу ҳолат бўйича кўрсатув берганлиги;
- судланувчининг ўз айбини бўйнига олмаётгани ва ушбу ҳолат юзасидан кўрсатув бериши каби икки асосий жиҳатни ўз ичига қамраб олади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам судланувчининг кўрсатуви баён қилинади. Айби бўйнига олинмаган ҳолатдаги кўрсатув натижаси билан бирга суднинг берилган кўрсатувларнинг қайси жиҳатларига қўшилмаганлиги ва шубҳа остига олганлиги кўрсатилиши лозим.

Кейинги ҳолатда судланувчининг жиноят ишида айбдорлигини исботловчи далиллар келтирилади.

Агарда судланувчи бир неча жиноятларни содир этган бўлса, унда ҳукмда ҳар бир жиноятга оид далиллар таҳлили бўлиши талаб қилинади:

В. Оқловчи далилларнинг суд томонидан инобатга олинмаганлиги сабаблари.

Агарда судланувчи жиноят содир этилишида тўлиқ ёки қисман айбсизлигини билдираётган бўлса, ушбу бўлим унинг позициясини изоҳлашдан бошланади:

Г. Жиноятни малакалаш. Ушбу қисмда суд томонидан содир этилган жиноятга жиноят-ҳуқуқий баҳо берилади. Унда айнан Жиноят кодексининг қайси моддаси ва қайси қисми бўйича қилмиш тавсифланаётганлиги изоҳланади. Агарда судланувчи томонидан бир неча жиноят содир этилган бўлса, унда ҳар бир жинояти бўйича квалификация қилиш масалалари ҳал қилиниши талаб қилинади.

Агарда айбловнинг қайсидир қисми асослангандир, жиноятларнинг малакаланиши нотўғри амалга оширилган бўлса, унда айбловнинг ўзгартирилиши сабаблари баён қилиниши талаб қилинади.

Айбловни қуйидаги сабабларга кўра ўзгартириш мумкин:

- жиноятларни қайта малакалаш (квалификация қилиш);
- судланувчига қўйилган айблов юзасидан далилларни камроқ ҳажмда тан олиш яъни алоҳида жиноят эпизодлари, квалификациявий белгиларни олиб ташлаш;

Д. Жазо чоралари бўйича ҳал қилинадиган масалалар.

Бу ҳолат судланувчининг жинояти учун жиноий жазо белгилаш, уни ўташ, жазодан озод қилиш ҳамда уларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу ҳаракатларнинг биринчиси шахсга нисбатан қандай жазо турини қўллаш лозимлигини танлаш ҳисобланади. Айблов ҳукмининг қарор қисмида:

- 1) судланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- 2) судланувчининг жиноят содир этганликда айбли деб топилганлиги тўғрисидаги қарор;

3) ЖКнинг судланувчининг айбли деб эътироф этилишига асос бўлган моддаси (қисми, банди), шунингдек судланувчининг ўта хавfli рецидивист деб топилганлиги (башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса);

4) судланувчи айбли деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри, ЖКнинг моддаларига мувофиқ узил-кесил тайинланган ва ўталиши лозим бўлган жазо чораси, озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазо муддатини ўташи лозим бўлган тегишли тартибли колония тури ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм этилган шахс учун белгиланадиган таъқиқлар (чеклашлар);

5) судланувчи шартли равишда ҳукм қилинган бўлса, синов муддати ва маҳкумнинг устидан кузатув олиб бориш вазифаси юклатилган жамоа ёки шахс;

6) ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган вақтни жазо тайинлашда жазо муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги қарор;

7) ҳукм қонуний кучга киргунига қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасига доир қарор;

8) маҳкумнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар;

9) ЖКнинг 533-моддасида назарда тутилган асослар аниқланган ҳолларда ҳукмининг ижросини кечиктириш тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Башарти судланувчига ЖКнинг бир неча моддаси билан айблов қўйилган бўлса, ҳукмининг қарор қисмида судланувчи қайси моддалар бўйича оқланганлиги ва қайси моддалар бўйича ҳукм қилинганлиги кўрсатилиши лозим. Ҳукмининг қарор қисмида судланувчи жазони ўташдан озод қилинганлиги ҳам кўрсатилади. Барча ҳолларда айблов ҳукмининг қарор қисми ҳукмини ижро этишда суд тайинлаган жазо тури ва меъёри хусусида ҳеч қандай шубҳа туғилмайдиган тарзда ифодаланиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб хулоса қилиш мумкинки, айблов ҳукми акс эттирилиши мажбурий бўлган қисм ва элементлардан иборат. Ушбу элементларни такомиллаштириш эса давр талабидир.

Толибжон ОБИДОВ,

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қарори. –Т.: 2014. –Б.6.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги № 7-сонли қарори. –Т.: 2014. –Б.8.
3. В.Н.Курченко Вводная часть приговора: тонкости оформления и последствия ошибок. Уголовный процесс. №7 2022 г. июль. <https://e.ugpr.ru/975104?utm>.
4. Авдонкин В.С. Структура обвинительного приговора, постановляемого в общем порядке. Уголовный процесс. 2022 г. № 7. 25 стр.

СУРРОГАТ ОНАЛИК ШАРТНОМАСИДА ГЕНЕТИК ОТА-ОНАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада суррогат оналик муносабатларининг ҳуқуқий асослари илмий-назарий таҳлил қилинган ва суррогат оналик шартномасида генетик ота-она жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: суррогат оналик шартномаси, суррогат оналик дастури, номланмаган (нотипик) шартномалар, ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЙРТ), ҳиссий-психологик ва келишув шартлари, суррогат оналик шартномаси доирасида генетик ота-онанинг жавобгарлиги масалалари.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида мамлакатимизда мавжуд, аммо ҳуқуқий тартибга солилмаган фуқаролик ҳуқуқий шартномалар таркибига кирувчи номланмаган (нотипик) шартномаларга қонун доирасида амал қилиш соғлом оила асосларини яратиш имкониятини вужудга келтиради. Шу маънода, суррогат оналик шартномаси воситаси билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, соғлом оилавий муносабатларни сақлаб қолиш мақсадида амалдаги миллий қонун ҳужжатларининг баъзи ўринларини тўлдириш зарурияти вужудга келади.

Суррогат оналик шартномасининг бажарилиши фуқаролик ҳуқуқи қамрови доирасида тартибга солинади. Мазкур масалага Европа стандартларида “эмбрион имплантациясини бошқа аёлга кўчиришга розилик берган турмуш ўртоқлар, агар суррогат она болани уларга топширишга рози бўлса, суррогат она билан низолашишга ҳақли эмаслар. Шунингдек, улар ота-оналик ҳуқуқини олган ҳолда болани тарбиялаш ва моддий таъминлаш бўйича тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар. Суррогат она боланинг ота-онаси сифатида туғилишни қайд этиш китобига киритилганидан кейин оналик ҳуқуқини талаб қилиб, эътироз билдириш ҳуқуқига эга эмас” лиги белгиланган.

Суррогат оналик дастури мавжуд бўлган МДҲ мамлакатлари қонунчилигини таҳлил қилиб, бир-бири билан никоҳда бўлган ва эмбрионни бошқа аёлга имплантация қилиш учун ёзма розилик берган шахслар, боланинг ота-онаси сифатида фақатгина болани дунёга келтирган аёл (суррогат она)нинг розилиги билан қайд этилиши мумкинлиги масаласига эътибор қаратишни лозим деб топдик.

Суррогат оналик шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатлар юзага келган пайтда суррогат она расмий никоҳда бўлиб болани генетик ота-онага беришдан бош тортган тақдирда, боланинг оталигини белгилаш масалалари қонун ҳужжатларида белгиланган умумий тартибда ҳал қилинади.

Суррогат она суррогат оналик дастурига киргунига қадар расмий никоҳда бўлмаса, оталикни тан олиш масаласи ҳам қонунларда белгиланган умумий тартибда амалга оширилади. Шунингдек, суррогат она генетик ота-оналар томонидан фарзанд туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатни давлат рўйхати-га олиш дафтаридида қайд этилганидан кейин оналикни талаб қилишга ҳақли эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида суррогат онанинг эмбрионларни имплантация қилишга розилигига ишора қилиниб, генетик ота-оналарнинг мазкур шартнома

доирасида ота-оналик ҳуқуқларига эътироз билдириш имкониятидан маҳрум қилиниши масаласи алоҳида шарт сифатида қайд қилинган. Бунда суррогат оналик дастури доирасида дунёга келган фарзанднинг кейинги тақдири ҳисобга олинган.

Суррогат оналик дастури масаласида Б.Н.Жуковнинг таъкидлашича, Россия Федерацияси қонунчилигида эр-хотиннинг сунъий уруғлантириш усулини қўллаш ёки эмбрионни имплантация қилиш учун ёзма розилигини расмийлаштириш тартиби белгиланмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнингча генетик ота-оналарнинг суррогат оналикдан фойдаланишга розилигининг амалий шаклини қонунийлаштириш, шунингдек, генетик ота-онанинг ушбу розилигини ЙРТ (ёрдамчи репродуктив технология)ни олиб борадиган тиббиёт ташкилотига топшириш амалиётини ҳуқуқий тартибга солиш лозим. Фикримизча, генетик ота-она бўлиш учун розилик масаласида суррогат оналик шартномаси тарафларини яна бир бор тасдиқлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш учун имзоланган ҳужжатни нотариал тасдиқлаш мазкур шартноманинг зарурий элементи ҳисобланади.

Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида суррогат оналик дастури билан боғлиқ маълум вазиятда вужудга келиши мумкин бўлган хавф мавжуд бўлиб, унда “суррогат она суррогат оналик дастури доирасида ўзи дунёга келтирган боланинг ота-онаси бўлиши лозим бўлган генетик ота-оналар томонидан болани рўйхатдан ўтказишга розилик беришни рад этишга ҳақли” деб белгиланган. Табиий равишда бу ҳолатни мутахассислар фарзандни дунёга келтириш жараёнида ҳиссий-психологик ҳамда келишув шартларининг маълум бир қисми бажарилмаслиги омили билан изоҳлашади. Бизнингча, аслида бундай ҳолат суррогат оналик дастури-нинг фуқаролик ҳуқуқий шартномалар қамровида ҳуқуқий тартибга солилмаганлиги омили билан бевосита боғлиқ.

Юқорида қайд қилинган ҳолатда, генетик оталикни белгилашнинг далили генетик экспертиза бўлиб, мазкур далил воситасида боланинг генетик отаси кимлиги аниқланади. Шундай вазиятда, суррогат она боланинг онаси деб эътироф этилганда ва дастур доирасида бу болага эга бўлиш истagini билдирган ҳолатда боланинг генетик отаси учун жуда мураккаб ва шу билан бирга ҳуқуқий тартибга солилмаган вазият юзага келади. Бунинг асосий сабаби шундаки, дастур доирасида дунёга келган янги фарзанднинг онаси суррогат она эмас, балки суррогат оналик дастурида иштирок этувчи генетик отанинг қонуний турмуш ўртоғи ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда генетик отанинг ҳеч қандай муносабатда бўлмаган суррогат оналик дастурида иштирок этган сур-

рогат она билан бир қаторда боланинг отаси сифатида тан олиниши никоҳсиз фарзанд дунёга келиши, соғлом оилада муаммоли вазият пайдо бўлишига сабаб бўлади. Фикри-мизча, бундай вазиятнинг пайдо бўлиши суррогат оналик дастури мавжуд кўплаб давлатларнинг қонунчилигида суррогат оналик билан боғлиқ кўплаб бўшлиқларни тўлдиришнинг зарурияти мавжудлигини, суррогат оналик масалалари тартибга солинмаган давлатларда қабул қилинадиган қонун ҳужжатларида мазкур жиҳатлар инобатга олиниши лозимлиги ҳамда суррогат оналик билан боғлиқ масалаларни тўлиқ тартибга солиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Масалага ечим сифатида шуни қайд этиш лозимки, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, суррогат онанинг судга муружаат қилиш орқали оналикни белгилаш ҳуқуқини суррогат оналик шартномасида ва мамлакат миллий қонунчилигида чеклаш лозим. Шунингдек, қоида тариқасида суррогат она ўзи дунёга келтирган боланинг ота-онаси сифатида генетик ота-оналарни қонуний рўйхатга олишга розилик беришдан бош тортиши ҳолати кузатилса, суррогат она дастури бўйича донор бўлган эркак оталикни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки мазкур ҳолатга суррогат оналик шартномасида қонун йўли билан чеклов белгиланиши масалага мақбул ечим бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мазкур масалада назариётчи ва амалиётчилар томонидан турли фикрлар билдирилган. Жумладан, Россия Федерацияси Конституциявий суди судьяси С.Д.Князева қуйидаги фикрни билдиради: “Бу муносабатларнинг мақсади - бепуштлиқни даволаш, ўз репродуктив ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга қодир бўлмаган шахсларга бола туғилиши имкониятини бериш ҳисобланади. Боланинг генетик жиҳатдан потенциал ота-оналар билан боғлиқлиги ҳам ҳақиқатдир, шунинг учун улар суррогат она билан тенг равишда унинг ота-онасидир.”

Бир қарашда С.Д. Князева юқоридаги фикрлари билан ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларга киришиш жараёнида суррогат оналик дастурида иштирок этаётган барча ҳуқуқ субъектларининг тенглиги принципига амал қилаётганлигини кўриш мумкин. Аммо, у мазкур ҳолатда суррогат оналик дастурининг бош мақсади бўлган соғлом ва фарзандсизлик оқибатида парчаланиши мумкин оиланинг ҳуқуқлари нуқтаи назаридан масалага ёндашилмаганлигини алоҳида қайд этиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Қарама-қарши йўналиш тарафдорлари, боланинг ота-онаси ҳар қандай ҳолатда ҳам генетик материални тақдим этган шахс сифатида тан олиниши керак, деб ҳисоблашади. Масалан, Словакиялик ҳуқуқшунос олимлар Ж. Дрогонец ва П. Холлендерларнинг фикрича, суррогат оналик дастурида оналик масаласини ҳал қилиш жараёнида сунъий уруғлантиришдан кўзланган асосий мақсад соғлом оилани сақлаб қолишни назарда тутиш керак.

Маълумки, суррогат оналик дастурининг мақсади фарзандсизликни даволашдир. Бинобарин, ҳуқуқшунос олимлар Ж. Дрогонец ва П. Холлендерларнинг тадқиқотларида боланинг ҳақиқий онасини аниқлаш масаласи сунъий уруғлантириш амалиёти айнан қайси аёл учун ўтказилган бўлса ўша аёл деб тан олиниши нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашилган ҳисобланади.

Юқорида асосий эътибор соғлом оилани сақлаб қолиш нуқтаи-назаридан генетик ота-онанинг жавобгарлиги масалаларига қаратилди. Аммо, бу жараёнда суррогат онанинг

ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан: “Қабул қилинадиган суррогат оналик дастури ҳужжатлари суррогат оналар билан боғлиқ жиҳатлар, стандартлар лойиҳасида компенсация олиши мумкин бўлган харажатлар билан боғлиқ бўлиши керак”.

Масалага бошқа бир назария вакиллари фикри билан ёндашсак, улар ўз тадқиқотларида гестацион (ҳомилдорликдаги жараён) назариянинг суррогат оналик билан боғлиқ барча камчиликларини болани дунёга келтирган аёлга, яъни суррогат она субъектининг биринчи ўринга қўйиши сифатида изоҳлашади. Мазкур ҳолатни суррогат оналик шартномаси билан махсус шуғулланган тадқиқотчилар аксарият ҳолатларда суррогат оналик дастуридаги эр-хотин (генетик ота-она)нинг ҳуқуқларининг бузилиши сифатида таъкидлайдилар.

Фикрларимизни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

– биринчидан, *Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, юртимизда соғлом оила асосларини вужудга келтириш мақсадларини кўзлаган ҳолда мамлакатимиздаги норматив ҳужжатларнинг тегишли моддалари ва миллий қонунчилигимизнинг айрим меъёрларини ҳозирги замон нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим.*

– иккинчидан, *суррогат оналик дастури доирасида суррогат оналик шартномасида кўрсатилган генетик ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар йўли билан тартибга солиш керак.*

– учинчидан, *суррогат оналик дастури доирасида суррогат оналик шартномасида кўрсатилган суррогат онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фуқаролик ҳуқуқий шартномалар йўли билан тартибга солиниши муҳимдир.*

Фикримизча, суррогат оналик шартномаси лойиҳасини тузиш жараёнида ва суррогат оналик дастури амалга оширилганидан кейин суррогат она томонидан дунёга келтирилган фарзанднинг генетик ота-онага топширилиши ҳамда фарзанднинг туғилишини қайд этиш масаласида вужудга келиши мумкин бўлган низоли вазиятларга муқобил ечим сифатида хориж тажрибасини илмий-таҳлилий ўрганиб чиқиб, шарқ мамлакатлари менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва имплементация қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон” 2021-йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 2-сонга илова.
3. Жуков, Б.П. О некоторых вопросах установления отцовства в добровольном порядке, не урегулированных действующим законодательством / Б.Н.Жуков // Семейное право. - № 2. - 2004. - С. 8-12.
4. Об отказе в принятии к рассмотрению жалобы граждан Ч. П. и Ч. Ю. на нарушение их конституционных прав положениями пункта 4 статьи 51 Семейного кодекса Российской Федерации и пункта 5 статьи 16 Федерального закона «Об актах гражданского состояния»: определение Конституц. Суда Рос. Федерации от 15 мая 2012 г. Но 880-О [Электронный ресурс] // КонсультантПлюс / ООО «ЮрСпектр». М., 2020.
5. Сарслей, Стефание, Регулэтинг Реимбурсеменц фор Суррогатэ Мотхерс (2021). Алберта Лав Ревиев, Вол. 58, Но. 4, 2021.
6. Семейный кодекс Российской Федерации от 29.12.1995 Н 223-ФЗ (ред. от 29.12.2017). // Собрание законодательства Российской Федерации, 01.01.1996, Н 1, ст. 16.
7. Суррогатное материнство: пробелы законодательства (А. Асламуразаева, «эж-ЮРИСТ», Н 30, июль 2011 г.)

ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада иқтисодий процессуал қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича сўз юритилади.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, суд, жиноят, процессуал қонунчилик, ҳуқуқ.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье рассматриваются вопросы совершенствования хозяйственно-го процессуального законодательства.

Ключевые слова: экономика, суд, преступление, процессуальное законодательство, право.

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ янги муносабатларнинг жорий этилиши ва шаклланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган янги низоларни одилона ҳал этиш, шартномавий маданиятни юксалтириш, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар ҳимоясини кучайтиришга бўлган эҳтиёжни ҳам орттирди.

Шундан келиб чиқиб режали иқтисодиётга асосланган собиқ иттифоқ даврида фаолият юритган ва давлат ижроия ҳокимияти тизимига кирган давлат арбитражлари хўжалик судлари деб қайта номланди ҳамда уларнинг ҳуқуқӣ мақоми бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда кескин ўзгариб, мустақил ҳокимият тармоғи бўлган алоҳида суд тизими сифатида барпо этилди.

Шунингдек, хўжалик судларига мурожаат қилиш, уларда ишларни кўриб чиқиш тартиби ва шунга ўхшаш бошқа муносабатларни ҳуқуқӣ тартибга солиш мақсадида 1997 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди. 1992 йилдан 2017 йил 1 июнга қадар иқтисодий низоларни кўриб чиқувчи суд сифатида хўжалик судлари фаолият юритиб келган бўлса, 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб, бу судлар иқтисодий судлар деб қайта номланди ва ушбу судларда ишларни кўриб чиқишнинг процессуал қоидаларини ўзида ифодалаган Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилинди. Унда суд ишини юритишга оид янги процессуал ҳуқуқ меъёрлари акс этган.

Конституциямизнинг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Суд ҳокимияти жиноӣ, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлов ишларини юритишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги тамойилига сўзсиз риоя қилади.

Иқтисодий судлар суд ҳокимиятининг бир тармоғи сифатида қонун билан фақат ўзига юклатилган низоларга доир ишларни кўриб,

ҳал қилади. Бу ерда қонун деганда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа қонунлар назарда тутилмоқда. ИПҚнинг 25-моддасида иқтисодий судларнинг судловига тааллуқли бўлган ишлар рўйхати берилган. Умумий қоидага кўра бу рўйхат тугал ҳисобланмайди ва бошқа қонун ҳужжатларида иқтисодий судларда кўриладиган низолар ҳам белгиланиши мумкин. ИПҚда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар асосан олти гуруҳга ажратилган. Бундан кўзланган асосий мақсад, суд амалиётини бир хиллаштириш, суд статистикаси юритишни таъминлаш ва суд фаолиятини умумлаштиришда энгилликлар яратишдир.

Иқтисодий судларда кўриладиган ишларнинг асосий қисмини иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий ва бошқа ҳуқуқӣ муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар ташкил қилади. Агар жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор мақомини олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланган ва унинг фаолияти давомида низо келиб чиққан бўлса, бу низолар ҳам иқтисодий судлар томонидан ҳал этилади. Фуқароларга нисбатан кўйилган талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса, судга ариза берилган кундан бошлаб бу фуқаролар яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган бўлса-да, улар иштирокидаги низоларга доир ишлар иқтисодий судга тааллуқли бўлади.

Меҳнат кодексини 269-моддасининг учинчи қисмига кўра мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, иқтисодий суд томонидан ҳам кўриб чиқилади. Айрим ҳолатларда битта даъво аризасида икки ёки ундан ортиқ даъво талабларини ҳам кўрсатиш мумкин.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ушбу талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши керак. Агар бундай талаблар билдирилган даъво ариза иқтисодий судга берилган тақдирда, даъво аризаси судья томонидан ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра қайтарилади.

Масалан, судга даъвогар "Темур" фермер хўжалиги даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "Боғбон" фермер хўжалиги ҳисобидан 47,5 га ер майдонини мажбурий чиқаришни, етказилган 93 132 000 сўм моддий ҳамда ер юзасидан жанжаллар натижасида ўзига етказилган 5 000 000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган. Ушбу талабларнинг ер майдонини чиқариш ва моддий зарарни ундириш қисми иқтисодий судга, жисмоний шахсга етказилган зарарни ундириш қисми эса фуқаролик судига тегишли талаб ҳисобланади. Шунинг учун мазкур аризада кўрсатилган ҳамма талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши керак.

Шунингдек, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда ҳам даъво аризаси судья томонидан ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра қайтарилади.

Конституциянинг 44-моддасига кўра ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар (корпоратив низолар юзасидан) ўзларининг иқтисодий соҳадаги бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий судларга мурожаат қиладилар. ИПКнинг 3-моддасига кўра ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. ИПКнинг 3-моддасида судга мурожаат қилишда низоларнинг тоифасига кўра қандай турдаги ҳужжатлар тақдим этилиши баён қилинган. Унга кўра судга тақдим этиладиган ҳужжатлар даъво аризаси, ариза ёки шикоят тарзида расмийлаштирилиб, тақдим этилади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда иқтисодий судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ҳам мурожаат қилишга ҳақли. Тарафлар ўртасида тузилган шартномада ёки қонунчиликда даъво аризаси билан судга мурожаат қилишдан олдин, низони судгача ҳал қилиш шартлигидан иборат бўлган қоида белгиланиши мумкин. Жумладан,

тадбиркорлик субъектлари ўзаро шартнома тузишда эркиндирлар ва шартномада қонунга зид бўлмаган қоидаларни мустақил равишда ва ўз хоҳишларига кўра белгилайдилар. Агар қонунда айрим тоифадаги низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан, яъни жавобгарга олдиндан талабнома юборгандан сўнг судда иш кўзгатиш мумкин.

Даъво аризаси иқтисодий судда иш кўзгатиш учун асос ҳисобланади. Агар суднинг олдида ҳал қилиш учун бирор масала қўйилган ҳолда ариза тақдим этилган бўлиб, унинг шакли ва мазмуни даъво аризасига қўйилган талабларга жавоб бермаса, бу ҳолат даъво кўзгатиш учун асос бўла олмайди. ИПК 149-моддасининг биринчи қисмига кўра даъво аризаси судга ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Даъво аризасини шакллантиришдан олдин низо қайси суднинг судловига тегишли эканлигини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. ИПКнинг 33-моддасига кўра юридик шахсларга нисбатан даъволар улар рўйхатдан ўтган жойдаги судга тақдим этилади. Юридик шахсларга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма давлат рўйхатидан ўтган жой бўйича тақдим этилади. Фуқароларга нисбатан даъволар улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жойдаги судга тақдим этилади. Айрим ҳолатларда даъво аризаси турли ерларда жойлашган икки ёки ундан ортиқ жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин. Бу ҳолда даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири рўйхатдан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўз бузилган ҳақ-ҳуқуқини қонуний ҳимоя қила олиш фуқаролар, давлат органлари, ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун муайян билим ва кўникмаларни талаб этади. Бунга эришиш эса улар учун энг қадрли бўлган вақти ва маблағининг тежалишига олиб келади ҳамда ортиқча оворагарчиликларга барҳам беради.

Гулмира АРЗИЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 08.12.1992 // URL: <https://www.lex.uz/acts/20596> (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. 08.12.1992 // URL: <https://www.lex.uz/acts/20596>).
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Г.А.Абдумажидов.. -Т.: ТДҲОИ нашриёти, 2009 й.
3. М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: «Янги аср авлоди». 2005.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА КИРИШ ЮЗАСИДАН ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада давлат фуқаролик хизматига кириш муаммоси кўриб чиқилган. Хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, меъёрлари ва қоидалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: давлат хизмати, давлат фуқаролик хизматига кириш, давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш шартлари.

Давлат фуқаролик хизматига кириш ва унга қабул қилиш шартлари билан боғлиқ талаблар 2022 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунини 27-28-моддаларида белгиланган.

Мамлакатимизда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун ягона масъул ташкилот ҳисобланади. Шунингдек, қонунда давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш очик ва мустақил танлов асосида амалга оширилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, очик мустақил танлов асосида давлат фуқаролик хизматига қабул қилинадиган шахслар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва тегишли равишда унинг филиаллари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилиниши ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва тегишли равишда унинг филиаллари билан келишмасдан туриб лавозимдан озод қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Истиқболли бошқарув кадрларини саралаб олиш бўйича республика “Тараққиёт” танловини ўтказиш Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Давлат фуқаролик хизматига кириш масаласи дунё мамлакатларида қандай ҳал этилишига назар соладиган бўлсак, Фарбий Европа (Германия, Франция, Нидерландия ва ҳоказо) давлатларда ҳамда Шарқий Осиё (Япония)да давлат хизмати тўғрисидаги қонунларида давлат хизматига киришнинг батафсил тартиби йўлга қўйилган. Умуман давлат хизматига қабул қилишнинг аниқ регламент қоидалари деярли барча жаҳон мамлакатлари қонунчилиги учун тегишлидир. Ушбу нормалар билан тартибга солинадиган асосий масалалар, давлат лавозими-

га номзодларни тавсия этиш талаблари ҳамда давлат хизматига қабул қилиш тартиб-таомили ҳисобланади.

Худди шундай ҳолат МДХ мамлакатлари қонунларида ҳам назарда тутилган. Мисол учун, Қозоғистонда бу масалага тўлиқ боб бағишланган, Россия ва Қирғизистон қонунчилигида давлат хизматига киришни тартибга солувчи моддалар назарда тутилган.

Аксарият мамлакатлар (Буюк Британия ва Франция)да давлат хизматига кириш учун фуқаролик талаб этилса, Канада ва Германияда мамлакат фуқаролиги талаб қилинмайди.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хизмати ҳақидаги барча қонунларда давлат хизмати лавозимига даъвогарлардан айрим талаблар ўрин олган.

Уларнинг ичидан энг кўп тарқалгани:

фуқаролик цензи (Буюк Британия, АҚШ ва Германия (айрим қуйи лавозимлар ва зарурлиги бўйича идоралар учун мустасно);

ҳам юқори ҳам қуйи чекловларни акс эттирувчи ёш цензи (Буюк Британия, Франция);

таълим цензи (Буюк Британия, Франция, Германия), махсус таълим ҳақидаги дипломининг мавжудлигидан тортиб илмий даражагача турлича бўлиб боради;

малака цензи (деярли жаҳоннинг барча мамлакатларида) тажрибали, лаёқатли ва номзодликка кенг билимларига эга бўлганларини танлаб олишни билдиради. Ҳар қайси мамлакатларнинг тарихий ва маданий жиҳатлари учун хос бўлган талаблар ҳам мавжуд.

Буюк Британия ва АҚШдаги айрим лавозимлар учун ўтроқлик, яшаш ва туғилиш бўйича ценз, Францияда сиёсий ҳуқуқлари; қонунларга риоя қилиш, армия хизмати ҳақидаги қонунларга ижобий муносабати, жисмоний лаёқатлилиқ, шунингдек, муайян идорада танлаш учун кўшимча алоҳида талаблар мавжуд. Германия ва

айрим бошқа мамлакатларда бир қатор лавозимлар учун бир неча йиллар (лавозимларига боғлиқ) давомида тайёргарлик амалиётларини ўташ зарур бўлади.

Хорижий мамлакатларда давлат хизмати учун кадрларни танлаш тизимли шартли равишда икки турга бўлинади: **элитарлик**, бу – нисбий кадрларни танлашнинг ёпиқ тизими бўлиб у Германия ва Японияга кўпроқ мос келади; **мослашувчан тизим**, бу – Буюк Британия ва Канадада кенг қўлланиладиган ҳамда танлов бўйича жамиятнинг ҳар хил табақаларидан давлат хизматига юқори малакали номзодларни қабул қилиш тизимидир.

Ишга қабул қилишда тартиб-таомил сифатида аксарият мамлакатларда танлов орқали ишга олиш амалиёти йўлга қўйилган. Мисол учун Буюк Британияда фуқаролик хизматининг мутахассис лавозимини ўзгартириш учун мутахассислиги бўйича танловдан ўтиш лозим, бу фуқаролик хизмати ишлари юзасидан Комиссия томонидан ўтказилади. Бошқа мамлакатларда (АҚШ, Франция) танловларнинг иккилик “очиқ” ва “ёпиқ” тизими мавжуд (Францияда “ички” ва “ташқи”). Биринчиси кенг тарқалган бўлиб, имтиҳон шаклида ўтказилади. Иккинчиси давлат аппаратининг юқори лавозимларига қўлланилади, шунингдек ўзига хос вазирлик ва идораларга ҳам (давлат хавфсизлик, соғлиқни сақлаш органлари) ва иш амалиёти ўсиш тартибида рақобат шаклига эга (иш хизмати).

Фақат “патронаж” тизимида (сиёсий жиҳатдан тайинланувчилар) юқори лавозимларни эгалловчилар учун давлат хизматига кириш танлов тартибидан истисноилиги назарда тутилган. Мисол учун, Канадада бундай тоифаларга Сенат ва Палата вакилларида бўлган клерклар, Кабинет котиблари, департаментларнинг ижрочи котиблари, вазирлар, юқори дипломатик лавозимлар киритилади. АҚШда бўлса патронажлик лавозимларини ўзгартириш тартиб-таомили умуман аниқланмаган. Бу масала тайинловчи шахс – Президент, вазирлик ёхуд департамент раҳбари томонидан ҳал этилади. Францияда сиёсий лавозимларни ўзгартириш (ҳукуматнинг бош котиби, префектлар, элчилар ва бошқалар) ҳукумат томонидан 1959 йил 21 мартдаги декретга ва 1984 йил 11 январдаги қонунга кўра номзодларнинг фикр ва сиёсий қарашларини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат томонидан амалга оширилади.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида (Канада, Германия, Франция, Белгия, Япония ва бошқа), МДХ (Қозоғистон, Қирғизистон) давлат хизматига биринчи марта кирувчи шахслар қасамёд қилишади. Қасамёд қилишни рад этиш давлат хизматини тугатиш асоси сифатида кўри-



лади. Давлат хизматчисининг қасамёдга риоя қилмаслиги интизомий жазога тортилишдан то меҳнат шартномасининг бекор қилинишигача олиб келиши мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда давлат хизматига киришда синов муддати ўрнатилиши мумкин. Ушбу муддатнинг давомийлиги қонунчилик тартибида мустақамланган ва ҳар бир лавозимлар тоифалари учун ҳар хил муддат синовлари ўрнатилган. Латвия, Болгария, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда олти ойни ташкил этади. Айрим мамлакатларда, мисол учун, Канада ва АҚШда синов муддатлари турлича бўлиши мумкин.

АҚШ ҳамда Германия қонунчилигида “тайёргарлик хизмати” тушунчаси мавжуд. АҚШда юқори мартабадаги лавозимларни эгаллаш учун 3 йилдан кам бўлмаган ҳолда тайёргарлик хизмати талаб этилади, сўнг изланувчи малака имтиҳонини топширади. Кейинчалик унинг муайян лавозим билан шуғулланишга лойиқлиги 2,5 йил ичида текширилади.

Хулоса ўрнида, давлат хизматига кириш тартиб-таомилининг ҳуқуқий тартибга солиниши шахсий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий ёндашишларни уйғунлаштирган ҳолда асосланган бўлиши лозим.

Нуратдин ТАЙРОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шевалье Ж. Государственная служба. Париж, 1996. С. 5.
2. Атаманчук Г.В. Государственное управление. Курс лекций. М., 1997. С. 263.
3. Государственная служба. Учебное пособие. Ред. А.В. Оболонский. М., 1999. С. 10.
4. Ноздрачев А.Ф. Государственная служба. М., 1999. С.37.
5. ПФ-5843-сон 03.10.2019. Ўзбекистон Республикасида Кадрлар сиёсати ва Давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).
6. ПҚ-4472-сон 03.10.2019. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги (lex.uz).
7. ЎРҚ-788-сон 08.08.2022. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида (lex.uz).

“НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ

нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдаги роли

АННОТАЦИЯ:

мақолада нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи назарий, амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг кодекси лойиҳасида бундай ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор янги институтлар мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: кодификация, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, қонун ижодкорлиги, халқаро стандартлар.

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируется вопрос совершенствования организационно-правовых основ негосударственных некоммерческих организаций и иных институтов гражданского общества с теоретической, практической и правовой точек зрения. Проект Кодекса Республики Узбекистан «О негосударственных некоммерческих организациях и других институтах гражданского общества» раскрывает сущность и практическую значимость ряда новых институтов, направленных на совершенствование организационно-правовых основ таких организаций.

Ключевые слова: кодификация, негосударственные некоммерческие организации и иные институты гражданского общества, организационно-правовые основы, правотворчество, международные стандарты.

Янги Ўзбекистонда рўй бераётган туб демократик ўзгаришлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини кенгайтириш, ўрни ва ролини ошириш уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сонли фармони билан тасдиқланган “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да “фуқаролик жамияти” ва “фуқаролик жамияти институтлари” тушунчаларининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш ҳамда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори, профессор Ф.Отахоновнинг илмий мулоҳазаларига кўра, “Фуқаролик жамияти мавжудлигининг энг муҳим белгиларидан бири – нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қанчалик самарадорлиги ҳамда улар ҳуқуқий мақомининг давлат ва жамият миқёсида белгиланлиги билан изоҳланади.”

Шунингдек, Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунос олим Б.Наримовнинг таъкидлашича, “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг демократик жараёнлардаги иштирокини ҳуқуқий таъминлаш уларга кўшимча шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг ғоят муҳим шартини ҳисобланади.”

Ҳуқуқшунос олим Ш. Якубовнинг фикрича, “Ўзбекистонда ҳам шиддатли ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини замонавий ёндашувлар, инновацион ғоялар асосида ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.”

Айни пайтгача бу соҳа билан боғлиқ 20 дан ортиқ қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда бошқа кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, сўнгги йиллардаги демократик институтларнинг ривожланиш тенденцияси динамикаси ортиб бораётганлиги соҳа билан боғлиқ қонунларни тизимлаштириш ва яхлит бир кодекс тарзида қабул қилиш заруриятини вужудга келтирди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш жараёнида қуйидаги ёндашувга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тартибга соладиган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларига салбий таъсир қилувчи қонуности ҳужжатларини унификация қилиб, юқори юридик кучга эга бўлган метъерий-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш, яъни кодекслаштириш лозим. Юридик нуқтаи назаридан шу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги тафовутлар ва бўшлиқларга барҳам бериш, ўхшаш ва бир-бирига яқин тушунча ва қоидалар такрорланишининг олдини олиш учун муайян соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кодификациялаш ниҳоятда

муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, муайян бир соҳа билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ягона кодификацион ҳужжатларни қабул қилишга интилиш қонун ижодкорлигидаги замонавий тенденциялардан бири ҳисобланади.

Франциялик таниқли ҳуқуқшунос олим Р. Каброяк кўп йиллик илмий тадқиқотлари натижасида вужудга келган "Кодификация" номли китобида куйидаги фикрларини билдиради: "Кодификация одатда ўзи амалиётда ишлайдиган жамиятни қонун нуқтаи назаридан мустаҳкамлашга, аҳолининг ижтимоий ва географик жиҳатдан ажратилган қатламларини бир бутунга бирлаштиришга ёрдам беради. Кўпинча ижтимоий инқирознинг тугадини белгилувчи кодификация инқироз натижасида ишлаб чиқилган янги ҳуқуқий нормаларни ниҳоят тасдиқлаш имконини беради ва шу туфайли унинг атрофида қадриятлар асосида тузилган ижтимоий битимни муҳрлаш имкониятини вужудга келтиради."

Қозоғистонлик ҳуқуқшунос олим С.Скрябиннинг бу борадаги куйидаги мулоҳазалари ҳам алоҳида диққатга сазовор: "Қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, шу жумладан уни кодекслаштириш кўп ҳолларда мамлакатда вақти-вақти билан катта ёки камроқ интенсивлик билан содир бўладиган доимий ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган жараёнди."

Юқорида келтириб ўтилган хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда ривожланган демократик мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги амалиётидаги асосий етакчи тенденциялардан бири бу – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кодификациялаш бўлиб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларини кодификациялаш жараёни норма ижодкорлигининг самарали механизмларидан бири бўлиб, муносабатлар тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кодификациялаш суд амалиётида ҳам анча қулайликлар яратади. Сабаби, судлар турли низоларни кўриб чиқаётганда битта яхлит меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга таянади. Маълум бир низони кўриб чиқиш жараёнида бир қанча қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш, улардаги нормаларни чуқур ўрганиб чиқиш, ҳужжатларнинг муайян ҳуқуқий меъёрларининг нисбатини тадқиқ ва таҳлил қилиш зарурияти бўлмайди. Ягона ҳуқуқий ҳужжат билан ижтимоий муносабатларни бундай тартибга солиш бошқа манфаддор шахслар учун ҳам қулайликлар яратади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласини "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш: назария ва амалиёт" мавзусидаги докторлик диссертацияси доирасида ишлаб чиқилган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг кодекси лойиҳасида назарда тутилган янги ҳуқуқий нормалар мисолида таҳлил қиламиз.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу кодекс лойиҳасида мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, токи айни пайтгача қабул қилинган 20 дан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, жумладан "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги (1991 йил 15 февраль), "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги (1996 йил

26 декабрь), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (1999 йил 14 апрель), "Жамоат фондлари тўғрисида"ги (2003 йил 29 август), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги (2007 йил 3 январь), "Ҳомийлик тўғрисида"ги (2007 йил 2 май), "Қасаба уюшмалари тўғрисида"ги (2019 йил 6 декабрь), "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги (2021 йил 5 июль) қонунлар бирлаштирилиб, уларда белгиланган муҳим нормалар жамланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим қарор ва низомларда ўрнатилган тартиблар ҳам кодекс лойиҳасида акс эттирилган.

"Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш: назария ва амалиёт" мавзусида юридик фанлар доктори илмий даражаси диссертацияси доирасида ишлаб чиқилган ушбу кодекс лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда бошқа тегишли ташкилотларга юборилди. Лойиҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган куйидаги янги ҳуқуқий меъёрлар ўз аксини топган:

биринчидан, айни пайтгача миллий қонунчиликда белгиланмаган ва бундай ташкилотлар фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масала, яъни Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Қонунчилик палатасидаги доимий вакили институти жорий этилиши ва унинг ҳуқуқий мақоми куйидагича белгиланган:

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Қонунчилик палатасидаги доимий вакили мансабдор шахс бўлиб, Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг манфаатларини ифода этади:

иккинчидан, ушбу кодекс лойиҳасида илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасининг ҳуқуқий мақоми куйидагича белгиланмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси фаолиятини таъминлаш учун, унинг ижро органи – котибияти ташкил этилиб, у юридик шахс мақомига эга бўлади.

Жамоатчилик палатаси котибияти Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрига, бланкига, мустақил балансига, Молия вазирлигида шахсий газна ҳисоб varaқларига, тижорат банкларида хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда 14 та ҳудудий жамоатчилик палаталари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

Кодекс лойиҳасида Жамоатчилик палатаси Кенгаши ва ҳудудий жамоатчилик палаталари Кенгашлари ваколатлари куйидагича баён этилган:

Жамоатчилик палатаси Кенгаши ва ҳудудий жамоатчилик палаталари Кенгашлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

Жамоатчилик палатаси Кенгаши ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ Низом ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

Жамоатчилик палатаси раиси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари раисларининг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Жамоатчилик палатаси аъзолари фаолияти тартиби ва ахлоқ қоидаларини белгилаш;

Жамоатчилик палатасининг ижро органи – котибияти ходимларини ишга қабул қилиш, ёки уларни аттестациядан ўтказиш жараёнида иштирок этиш;

Жамоатчилик палатаси аъзолари ҳамда унинг ижро органи – котибияти ходимларини давлат мукофотларига тавсия қилиш.

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг биринчи умумий йиғилиши ўтказилиши тартиби, унда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар, Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари, Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзоларининг ваколат муддати билан боғлиқ қоидалар ишлаб чиқилган.

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг муҳим вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланмоқда:

аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда ва соҳаларда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, уларнинг ечими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталарига ва Ҳукуматга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиб бориш;

фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражаси, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузаларни тайёрлаш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга қўмаклашиш ҳамда мазкур масала бўйича жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш;

жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш, “жамоатчилик эшитуви”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик мониторинги” каби таъсирчан замонавий назорат шаклларини амалда жорий этиш;

ислохотлар ва давлат дастурларининг жойларда ва соҳаларда амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини ташкиллаштириш, уларни сифатли бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, эришилган кўрсаткичлар, ижобий ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Ҳукуматга мунтазам киритиб бориш:

учинчидан, кодекс лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган, тўғридан-тўғри амал қиладиган бир қатор ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган:

“Давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради;

давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига қўмак кўрсатади;

давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига аралашшига, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди;

фуқаронинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги ёхуд нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди. Унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга имтиёзлар бериш учун, шу жумладан давлат ташкилотидан лавозимни эгаллаш шартли ёки қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик учун асос бўла олмайди.”

Хулоса қилиб айтганда, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг кодекси лойиҳасида бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўрни ва ролини кучайтириш, давлат ва жамият бошқарувидаги аҳамиятини оширишга қаратилган принципиал нормалар ўрин олган. Ушбу Кодекснинг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини бугунги давр нуқтаи назаридан ҳуқуқий тартибга солишининг ягона тамойилларини ўзида мужассас этувчи ҳуқуқий ҳужжат вужудга келишига омил бўлади.

Иззатулло ТОЛИБОВ,

Судьялар олий мактаби докторанти,
юридик фанлар номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р. Каброяк., “Кодификация”, Статут., Москва-2007., 26-бет.
2. Ш.Якубов., “Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари” //Т.:«LESSON PRESS» нашриёти. – 2018.
